



КАСБ БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!



O'ZBEKISTON

IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETA

BUNYODKORI

№64-65 (717-718) 2023 йил 11 август, жума

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРУВЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадри қурувчи бунёдкорлар!
Аввало, сиз, азизларни қутлуғ касб байрамингиз билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга самимий ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Эл-юртимиз сизлар каби минг-минглаб моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меъморларни, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар вакиллари янги Ўзбекистон равнақиға муносиб ҳисса қўшаётган фидойи инсонлар деб билади.

Сизларнинг олижаноб меҳнатингиз билан барпо этилаётган янги-янги турар жойлар, ишлаб чиқариш объектлари, йўл ва коммуникация тармоқлари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масканлари мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, ҳаётимизнинг янада обод ва фаровон, файзли бўлишига хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, халқ манфаатини ўйлаб мустаҳкам ва кўркам иморатлар қуриш, раван йўл ва кўприклар бунёд этиш дунёдаги энг савобли ва хайрли ишлардан биридир.

Бугунги қувончли айёмда мана шундай эзгу фаолиятингиз учун сизларга ҳар қанча ташаккур айтсак, арзийди, албатта.

Азиз юртдошлар!
Ҳозирги кунда мамлакатимиз том маънода улкан қурилиш майдонига айланганига барчамиз гувоҳимиз. Бошқа жабҳалар қаторида қурилиш тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда, соҳага янги технология ва инновациялар, энг замонавий меъморий ечимлар фаол кириб келмоқда.

Ўтган етти йил давомида юртимизда қурилиш ишлари ҳажми бир неча баробар ортиб, 2016 йилдаги 30 триллион сўм ўрнига 2022 йилда 131 триллион сўмга, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 68 триллион сўмга етгани мамлакатимиз бунёдкорлари қисқа даврда қандай катта йўлни босиб ўтганидан далолат беради.

Бу ҳақда сўз юритганда, сўнгги йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 1 минг 500 дан ортиқ қишлоқ

ва маҳаллаларда йўл ва транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий соҳа объектларида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганини таъкидлаш лозим.

Аҳолимизнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ушбу йўналишдаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Шу йилнинг ўзида “Янги Ўзбекистон” массивлари ва уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда 90 минг квартирага эга уй-жойлар барпо этилаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бугунги кунда мамлакатимиз қурилиш соҳасида ҳам янги давр бошланди, десак, тўғри бўлади. Аввало, соҳанинг ҳуқуқий ва моддий-техник базаси мустаҳкамлаиб, республикамизнинг барча ҳудудларида илғор технология ва ёндашувлар асосида фаолият юритадиган янги-янги қурилиш ташкилотлари пайдо бўлаётгани, қурилиш материаллари индустрияси юқори суръатлар билан ривожланаётгани, малакали етук кадрлар тайёрлаш

тизими йўлга қўйилгани шундай деб айтишга асос беради.

Хурматли дўстлар!
Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси олдимизга қўяётган муҳим ва долзарб вазифалардан келиб чиққан ҳолда, сизлар билан биргаликда соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш, бош режа ва шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларини янги мезонлар асосида яратиш учун катта ҳаракатларни бошладик. Жумладан, урбанизация бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда 2023-2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурлари шакллантирилмоқда.

Қурилиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш жараёнларининг барча босқичларида жамоатчилик назоратини кучайтириш, сифат ва самардорликни ошириш, заҳматқаш қурувчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларни ҳар

томонлама рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Хурматли байрам иштирокчилари!
Сиз, азизларни, мамлакатимиз қурилиш соҳасини тараққиёт эътиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча юртдошларимизни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор чин юракдан муборакбод этаман.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда янги-янги ютуқлар, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик, файзу барака тилайман.

Жонажон Ўзбекистонимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида қилаётган меҳнатларингизнинг роҳатини кўринг!

Қўлингиз асло дард кўрмасин, азиз дўстлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ботир ЗАКИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири.

ХАЛҚИМИЗНИНГ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ

ҳудудлар обод, турмуш фаровон бўлишига хизмат қилмоқда



Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни юқори савида ўтказиш тўғрисида”ги қароридан барчамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган ушбу айёмни муносиб тарзда нишонлаш чора-тадбирлари белгиланган берилди. Бу йилги тантаналар Янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт даражаси, шон-шухратига мос тарзда, “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шiori остида ўтказилади.

Мустақиллик байрамидан сал аввалроқ эса биз, қурувчилар ўз касб байраминини нишонлаймиз. Гап шундаки, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 августдаги фармониға биноан, 2017 йилдан буён август ойининг иккинчи яшанбаси Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳаси ходимлари кунини деб эълон қилинган.

Мақолани бежиз бу икки ҳужжат билан бошламадик. Бинобарин, ҳозирги кунда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли бутун мамлакатимиз каби қурилиш соҳаси ҳам тараққиётнинг янги босқичига кўтарилмоқда. Амалга оширилаётган ишлар самараси ижтимоий ҳаётимиздаги улкан ўзгаришлар, хусусан, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилишида, одамларнинг йиллар давомида орзу қилган ўз шахсий уйига эга бўлиш жараёнидаги қувончларида акс этмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини оширишға бевосита хизмат қиладиган соҳа вакиллари сифатида қурувчиларнинг замонавий бино ва ишоотларни барпо этишдаги, шаҳару қишлоқлари-

цион ривожлантириш бўйича стратегия ва йўл харитаси тасдиқланди. Муҳими, ушбу ҳужжатлар доирасида қатор чора-тадбирлар ва ислохотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Бу натижаларда кўринади?

Аввало, таъкидлаш кераки, ўтган олти йил давомида шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича жами 1 370 та шаҳарсозлик ҳужжати, жумладан, 202 та шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режаси ва 1 минг 168 та қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинининг бош режаси билан биргаликда батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида 1 минг 944 та аҳоли оғир маҳалланинг бош режа схемалари тайёрланди. Йил охиригача яна 225 та шаҳарсозлик ҳужжатлари, жумладан, 11 та шаҳар ва 50 та шаҳарчалар бош режалари, 42 ҳудуднинг мастер режалари ҳамда 122 та қишлоқнинг бош режаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Шунингдек, республикада биринчи марта бош режалаштиришнинг бош схемаларини тузиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бунинг учун эса малакали ва тажрибали кадрлар зарур. Шу боис, тизимдаги бош лойиҳа институтларига шаҳарсозлик соҳасида фаолият юритган хорижий тажрибага эга мутахассислар мансалаштириш сифатида жалб қилинмоқда. Олти йил ичида қурилиш соҳасига оид 537 та техник норматив ҳужжат ишлаб чиқилиб, эскилари янгиланди. Биноларнинг энергия самардорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга оид 10 та норматив ҳужжат Европа стандартлари асосида такомиллаштирилди.

Жорий йилнинг ўзида 2023 йилда қурилиш соҳасига оид талабларни соддалашти-

риш мақсадида шаҳарсозлик нормаларининг:

- 44 таси ўзаро уйғунлаштирилди;
- 36 таси смета-ресурс нормаларига бирлаштирилди;
- 30 таси техник регламентлар тоифасига ўтказилди;
- 76 таси маълумотнома тоифасига ўтказилди;
- 46 таси смета-ресурс нормалари тоифасига ўтказилди.

Замонавий нормалар ва технологияларни татбиқ қилиш мақсадида илғор хорижий давлатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, сейсмика ва зилзилага оид норматив ҳужжатлар бўйича Япония, ёнгин хавфсизлиги оид норматив ҳужжатлар бўйича АҚШ, қурилиш нормаларини геология, табиий-иклим ҳамда сейсмик хусусиятларни инобатга олган ҳолда хорижий нормалар билан уйғунлаштириш бўйича Жанубий корейлик эксперт-консультантлар жалб этилган.

Шу билан бирга, мамлакатимизда Европа Иттифоқининг (ЕС), Буюк Британиянинг (BS), Хитойнинг (GB, CJ, JC, JG), Корейнинг (KBC), Россиянинг (СНиП, СП), АҚШнинг (IBC), Япониянинг (JIS) қурилиш соҳасидаги техник норматив ҳужжатлари қўлланилмоқда. Эеро, буларнинг бари соҳа учун жуда зарур ва долзарб бўлган йўналишлардир. Чунки иморатни куравертиш мумкин. Лекин унда зилзилабардошлик, ёнгин хавфсизлиги каби масалаларга эътибор қаратилмас экан, бино одамлар учун мустаҳкам уй эмас, оддий бошпана бўлиб қолиши мумкин. Замонавий дунё ва замонавий талаблар бунга йўл қўймайди.

АНОНС

Азиз газетхонлар!

Анъанаға кўра, “O‘zbekiston bunyodkori” ижтимоий-иқтисодий газетасининг **ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИГА** бағишланган махсус байрам сони 13 августда нашрдан чиқишини маълум қиламиз. Унинг саҳифаларидан республикамизда фаолият юритаётган соҳа ходимларининг фаолияти, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари акс этган мақолалар ўрин олган.



Ўйлаймизки, газетамизнинг махсус байрам сонидан ўрин олган мақолалар сизларга манзур бўлиб, байрам шуқуҳига ҳамоҳанг бўлади.

▶ 2-бет

ХАЛҚИМИЗНИНГ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ

ҳудудлар обод, турмуш фаровон бўлишига хизмат қилмоқда

1-бет

Шунингдек, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёни тўлиқ шаффоф электрон тизимга ўтказилди. Ҳозир мазкур ишлар вазирлик ҳузуридаги "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" маркази томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Экспертиза органларига қоғоз ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш амалиётидан тўлиқ воз кечилди. Ҳозирда экспертизага лойиҳа-смета ҳужжатлари онлайн равишда топширилмоқда. Бугунга қадар 111 мингга яқин объект лойиҳаси ушбу тизим орқали экспертизадан ўтказилди. Натижада, ушбу объектлар буйича 20,5 триллион сўмга яқин маблағ тежаб қолинди.

Бундан ташқари, экспертиза йўналишида фаолият олиб боруви юридик шахсларга гувоҳнома бериш орқали тизимда рақобат муҳити яратилди. Объектларнинг мураккаблик тоифасидан келиб чиқиб, экспертиза хулосаси бериш тизими табақалаштирилди. Табақалашган тоифадаги лойиҳаларга хулоса бериш учун экспертиза ташкилотлари электрон рейтинг йўлга қўйилди. Эксперт мутахассисларни аттестациядан ўтказиш ва мураккаблик тоифаси бўйича лойиҳаларга табақалашган ҳолда хулосалар бериш механизми яратилди. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда "ҳажм" услубидан фойдаланиш амалиёти жорий қилинмоқда. Бунда ҳоржий мамлакатларнинг ушбу йўналишда амалга оширилган ишлари, татбиқ этилган меъёрий ҳужжатлари, янги технологиялари ва ҳажм услубини қўллаш натижасида эришилган ютуқлари ўрганиб чиқилди.

Эксперимент тариқасида 2024 йил дастурига киритилган айрим ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларида "ҳажм" услубини қўллаш режалаштирилган ҳақиқат ушбу усулларни жорий қилиш бўйича тегишли норматив ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Эксперимент натижаси бўйича "ҳажм" услубини қўрилишнинг бошқа соҳаларига қўллаш ҳамда қўрилиш объектларининг умумий сонига "ҳажм" услуби улушини 2025 йилда 50 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Соҳада "Қурилиш назорати" ахборот тизими жорий қилиниб, назорат жараёнини автоматлаштирилган ҳам айна мудабо бўлмоқда. Бинобарин, ушбу тизим орқали 2022 йилда 30 мингдан ортиқ объект назоратга олинди. Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш мақсадида "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимидан ташқари бир қатор электрон онлайн платформалар ҳам ишга туширилди. "Қурилиш сифати назорати", "Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси", "Мақсадли дастурлар мониторинг тизими", "Огоҳ фуқаро", "Геопортал", "Қурилиш материаллари классификатори" тизимлари шулар сирасидандир.

Қурилиш соҳасида давлат хизматлари рақамлаштирилди. Натижада, бугунги кунда бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгариштириш келиши, бино ва иншоотларнинг ихтисослаштириш ўзгариштириш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудда қўшимча бино ва иншоотларни қуришни лойиҳалаштиришга рухсатнома бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини келиши, қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома бериш, кўчмас мулк бузилишига тушган ёки тушмаганлиги тўғрисида маълумотнома бериш каби хизматлар шундай амалга ошириб келинмоқда. Натижада, ўтган йили ушбу тизим орқали 228 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлса, 148 мингдан ортиқ каноатлантирилган ҳамда 80 минг таси ўрнатилган тартибда рад этилган. Жорий йилда эса



келиб тушган 83 мингдан ортиқ мурожаатнинг 52 мингдан зиёди қаноатлантирилди, 25 минг таси ўрнатилган тартибда рад этилди, 5 минг 900 таси эса қўриб чиқилмоқда.

Қурувчилик катта масъулият талаб қиладиган касб. Ҳар ким ҳам қурилиш ишлари билан шуғулланмавермади. Тизимдаги электрон рейтинг ва тендер ҳақиқий ҳамда тажрибали пудрат ташкилотларини аниқлашда қўл келмоқда. Хусусан, рейтинг электрон платформасида қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотлари рейтингни тегишли давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинган. Шу орқали уларнинг маълумотлари ҳамда соҳадаги рейтинг шакллантирилади. Ҳозирги кунда ушбу рейтингга 19 мингдан ортиқ қурилиш-пудрат ташкилоти киритилган. Лойиҳа ташкилотлари рейтингни тизимига эса 1 минг 900 дан ортиқ лойиҳа ташкилоти киритилган.

Тендер электрон платформаси туфайли қурилиш соҳасида электрон тендер жараёнини рақамлаштириш бўлиб, тендер жараёнини рақамлаштиришда инсон омилли тўлиқ бартараф этилди. Тизим тақлифларни ташкилотлар рейтинг асосида ва уларнинг тижорат тақлифни автоматик равишда баҳолаган ҳолда ижрочи ташкилотни аниқлайди. Қолаверса, бу тизим турли қоғозбозликлар, харажатларнинг ҳам олдини олади. У орқали 2022 йилда 7 минг 057 та объект бўйича тендерлар ўтказилиб, 748 миллиард сўм маблағ иқтисод қилинган шундан допалат беради. Жорий йилда эса 656 та лойиҳа, 509 та қурилиш-пудрат ташкилотига тендерлар ўтказилиб, 149,5 миллиард сўм тежалла.

АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ – АСОСИЙ МАҚСАД

Сўнгги олти йилда мамлакатимиз аҳолиси 5 миллион 500 минг нафарга ўсиб, 36 миллиондан ошди. Шу билан бирга, шаҳарларимиз ҳам кенгайиб, тобора замонавийлашиб бормоқда. Бу эса уй-жойга бўлган эҳтиёжни ҳам оширишига сабаб бўлади. Юртимизда аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш мақсадида кўплаб турар жойлар барпо этилишидан кўзланган мақсад ҳам аслида ана шу талабни қондиришидир. Шу жиҳатдан олганда, 2017 йилдан бугунгача республика бўйича 326 мингга янги уй фойдаланишга топширилган, бу даврда уй-жой билан таъминлаш аҳоли жон бошига 18 фоизга кўпайгани ҳам диққатга сазовордир.

Охириги уч йилда эса банклар томонидан 210 минг оилга 33 триллион сўмлик ипотека кредити ажратилган. Эҳтиёжманд 73 минг оилга бошланғич бадал ва фоиз тўловлари учун 1,3 триллион сўм субсидия берилган. Булар кичкина рақамлар эмас, албатта. Бунинг ортида, аввало, инсонпарвар давлатда "инсон қадрини унун" тамойили асосида олиб бораётган ислохотлар самараси турибди. Зеро, шундай саяё-ҳаракатлар туфайли нафақат янги уй-жойлар ижтимоий объектлар қад ростлаштирилиб, балки шаҳару қишлоқларимиз инфратузилмаси замонавийлашиб, қўшимча тармоқлар имконияти ҳам ортмоқда.

Соҳага бозор тамойиллари жорий қилинган натижасида юзлаб хусусий буюртмачи компаниялар шаклланди. Илгари темир-бетонли кўп қаватли уйлар қурувчи 11 та йирик кластер тузилди. Тадбиркорларга шартли яратилган туфайли цемент, газоблок, кафель, керамогранит ишлаб чиқариш кўпайиб, уларнинг нархи анча арзонлашди. Пирон



варидида, ўтган йили 60 минг хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилди. 31 та ҳудудда "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилишига киришилди. Умуман, жорий йилда уй-жой қуриш ҳажми 1,5 баравар оширилиб, 90 мингга етказиш режалаштирилган.

ОРЗУДАГИ МАНЗИЛ – "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВЛАРИ

Дарҳақиқат, инсон манфаати устун қўйилган бундай ижтимоий сиёсат изчиллик касб этаётгани билан анада аҳамиятлидир. Бу ишларнинг барчаси шахсан давлат раҳбари эътибори ва назоратида. Хусусан, Президентимизнинг 2023 йил 13 апрелдаги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган манзилли рўйхатга кўра, республика бўйича 90 минг 923 та хонадондан иборат 2012 та уй қурилиши белгилаб олинди. Шундан, 14 та ҳудуддаги 38 та "Янги Ўзбекистон" массивида 30 минг 639 та хонадондан иборат 837 та уй барпо этилади. Утган йил дастурига асосан, "Янги Ўзбекистон" массивларидаги қурилиш белгиланган, йилдан-йилга ўтувчи 532 та уйнинг 111 таси (21 фоиз) фойдаланишга топширилди. 2023 йил дастурига асосан, шундай массивларда янгидан қуриладиган 305 та уйнинг 288 таси аукционга чиқарилиб, 218 таси сотилган ҳамда пудрат ташкилотлари аниқланди. Қолган 70 тасида савдолар давом этилмоқда. Шунингдек, 172 та уй-жойга ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилиб, ижобий хулосалар олинди. 153 та уй-жой Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтказилиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатнома олинди.

"Янги Ўзбекистон" массивларида бугунги кун ҳолатига қараганда, 126 та уй-жой (3 минг 994 та хонадон) фойдаланишга топширилди. Яъни, шунча одам ўз орзуидига эришди, манзилга эга бўлди. Шу билан бирга, дастурига асосан уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда хусусий тадбиркорлар томонидан қурилаётган 60 минг 284 та хонадондан иборат 1 минг 175 та уй-жойнинг 1008 таси (5 минг 047 та хонадон) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтказилиб, қурилиш-монтаж ишлари олиб

борилмоқда. Янги массивларда инженерлик тармоқларига улаш ишлари ҳам жадал кечмоқда.

Президентимиз шу йилнинг апрель ойида "Янги Ўзбекистон" массивларида уй-жой қурилиши ва 2023 йил учун ипотека дастурини амалга ошириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган видео-селектор йиғилишида ушбу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш юзасидан бир қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурган эди. Масалан, кўпроқ аҳолини қамраб олиш мақсадида расмий даромади етарли бўлмаган аҳолига ҳам ипотека кредити олиш имкони яратилишини таъкидлаганди. Уларнинг тўлов қобилиятини аниқлашда банк картасидаги айланма, ижара, коммунал ва бошқа харажатларга тўланган пулларни ҳам ҳисобга олинишини билдирганди.

Дастлабки бадални кўпроқ тўлаган фуқаролар банкдан арзонроқ кредит олиш имкониятига эга бўлади. Субсидияга ажратилган маблағларни тезроқ ишлатиш учун субсидия хабарномасининг амал қилиш муддати 12 ойдан 4 ойга туширилгани айтилган. Шу билан бирга, бу ойлар давомида сертификатдан фойдаланмаган фуқароларга субсидия олиш учун яна қайта мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади.

Аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлашга қаратилган яна бир лойиҳа – "Менинг биринчи уйим" дастури доирасида вазирлик ҳузурида махсус уй-жой компанияси ташкил этиладиган бўлган. Бунинг учун Тошкент вилоятининг Зағзига туманидан 36 гектар ер ажратилиб, 58 та кўп қаватли уй, ижтимоий муассасалар, кўнгулчор масканлар қурилади. Бунда тадбиркорларга савдо ва тижорат майдонларини бозор нархида сотиш орқали уй-жойлар нархини арзонлаштиришга эришилади.

Уша видеоселектор йиғилишида қурилиш соҳасига тааллуқли янада кўплаб масалалар ўртага ташланган. Қурилиш таннархини пасайтириш учун ёғоч, фанер, ёғочли опалубка ва ойнани импорт қилишда 2025 йилга қадар божнона бож бекор қилиниши, юқори нархали цемент бўйича божнона бож имтиёзи яна бир йилга узайтирилгани шулар жумласидандир. Қаранг, биргина цемент бўйича қўлланиладиган имтиёз туфайли уй-жой қуриш таннарихи 5 фоизга арзонлашар экан. Қолаверса, қурилишнинг ҳудуд инфратузилма қувватига олиб бориш, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш, иморатларни сейсмик жиҳатдан стандартларга мос барпо этиш масалалари ҳам кенг муҳокама этилди.

Бугунги кунда тизимда амалга оширилаётган ишлар ана шу вазифалар ижросига қаратилган. Зеро, қурилишлар самараси қад кўтарётган биною иншоотлар қаторида одамларнинг кайфияти, ҳаёт тарзида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, қурилиш индустриясининг иқтисодий таркибидан тугган ўрни ва аҳамияти ҳам жуда юқори. Шу жиҳатдан олганда, бугунги кунда Ўзбекистонда қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва хизматлар нафақат миллий иқтисодиётни мустаҳкамловчи таъин нукта сифатида, балки ижтимоий йўналишдаги долзарб вазифаларга ечим топишда ҳам муҳим восита бўлаётгани эътиборга моликдир. Бир сўз билан айтганда, қурилишлар Янги Ўзбекистонда янги ҳаёт тарзини юзага чиқармоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиз қурилиш соҳасида меҳнат қилаётган барча ишчи-хўжаликчиларни касб байрами билан самимий таъриқлаб, уларнинг юртимиз тараққийоти ва гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ва шарафли ишларида куч-қувват тилайман.

Мухтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлидаги улғун мақсадни амалга оширишда ҳамкасбларимизнинг келгусида янада азму шижоат билан хизмат қилишларига ишонаман.



Аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш – БОШ МАҚСАДИМИЗ

Озод ШОДИЕВ, Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари в.в.б.

Бугунги кунда юртимизда қурилиш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарасида иқтисодий ривожланиш, моддий фаровонлик юзага келаётганини мамнуният билан эътироф этиш жоиз. Аҳоли турмуш шароитлари яхшиланиб, ўз уй-жойи ва замонавий турмуш шароитларига эга бўлаётган кишиларнинг мамнуниги, хонадонларда фаровонлик, ободлик ҳукм сураётгани биз эришган ютуқлар десак, муболаға бўлмайди.

Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги Фармонида асосан, янги ҳаёт тарзи асосида уй-жойлар қурилишига киришилгани аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш билан бирга, қишлоқ жойларида ҳам шаҳардагидек шароитлар яратиш имконини берди. Бугун вилоятнинг Қизилтепа, Кармана, Хатирчи, Нурота, Қонимех, Учқудуқ туманларида барча қулайликларга эга кўп қаватли уйлар тикланаётгани, бунда қурилишга комплекс равишда уйлар билан бирга, муҳандислик ва йўл инфратузилмаси, ижтимоий соҳа объектлари, хизмат ва сер-

вис объектлари ташкил этилаётгани ўзига хос ёндашув бўлди. Негаки, комплекс асосида тикланаётган уй-жойлар аҳолининг узогини яқин, оғирини енгил қилди, яшаш объектлари ёнида мактаб, боғча, автомобиль тураргоҳлар, болалар майдончалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, бозор ва тамаддиҳоналар тикланди. Бу ишлар тадбиркорлар томонидан ҳам уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Навоий вилоятининг Кармана ва Қизилтепа туманларидаги "Янги Ўзбекистон" массивларида 26 та 620 хонадонли уй-жой, 1 та мактаб, 2 та боғча, 2 та оилавий

поликлиника ва уй-жойларнинг биринчи қаватида турли хизмат кўрсатиш ва сервис объектлари барпо этилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда 26 та уйдан 8 тасида қурилиш ишлари якунланди ва фойдаланишга топширилмоқда.

Бундан ташқари, вилоятда 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида комплекс тарзда олиб борилган ишлар ҳам ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 614-сон қарори асосида вилоятда ижтимоий ва коммунал

объектлар, газ, оқова ва ичимлик суви таъминоти, йўл қурилиши объектлари учун 65 730,9 сўм маблағ сарфланиб, режада қўрилган 38 та лойиҳанинг 30 таси тўлиқ ишга туширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 172-сонли қарорига асосан 22 та қишлоқ ва маҳаллада кенг қўламли қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Натижада вилоятимизнинг туман ва шаҳарларидаги маҳалла-

лар ўз биносига эга бўлди, ички йўллар қурилиб, ичимлик суви билан таъминланди.

Дастур доирасида маҳаллалардаги 330 та объектада қурилиш-таъмирлаш ишлари режали тарзда амалга оширилди. Жорий йил бошидан бугунгигача қадар 430,3 км дан ортиқ янги ичимлик суви қувурлари тортилиб, 14 км га яқини таъмирланди. Шунингдек, 15 та сув иншоотида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Йил якунига қадар яна 371,5 км янги ичимлик суви қувурлари тортилиб, 15 та сув иншоотдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилиши кўзда тутилган.

Булардан ташқари, шаҳар ва туманлардаги ички йўллар, автомобиль йўлларининг яхшиланишига ҳам эътибор қаратилиб, вилоятда 2023 йилнинг ўтган даврида барча дастурлар доирасида 248 млрд сўм маблағ ажратилди. 461 км (шундан 308 км асфальт, 29 км цементбетон, 124 км шагал) узунлидаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари таъмирланди.

Вилоятнинг электр энергиясига бўлган йиллик талаби 8026,7 млн кВт соат бўлиб, бир ойда ўртача 720,0 млн кВт соатни ташкил этади. 2023 йил давомида электр энергиясини иқтисод қилиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар режалаштириб олинган бўлиб, ушбу режага асосан йил якунига қадар жами 1 178,5 млн кВт соат электр энергиясини тежаш режалаштирилган. Бугунги кунда электр энергиясини иқтисод қилиш, аҳолининг қуёш панелларидан фойдаланишини йўлга қўйиш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳам режали тартибда амалга ошириб келин-

моқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги ПҚ-57-сонли қарорига асосан, энержоурсурларни тежаш мақсадида жорий йилда вилоятдаги 1 132 та ижтимоий соҳа объектига 11,3 МВт, 168 та тадбиркорлик субъектига 16,9 МВт, 648 та аҳоли хонадонига 3,5 МВт қувватдаги қуёш панелларини ўрнатиш режалаштирилган. Ҳозирда ушбу жараёнлар уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Бугунги кунда амалий ишлар натижасида вилоят бўйича 131 МВт, шундан, 318 та ижтимоий соҳа объектида 6,3 МВт (йиллик режага нисбатан 55,3 фоиз), 469 тадбиркорлик субъектига 5,3 МВт (йиллик режага нисбатан 31,7 фоиз), 747 та аҳоли хонадонига 1,5 МВт (йиллик режага нисбатан 43,2 фоиз) қуёш панеллари ўрнатилган. Ушбу қуёш панеллари ҳисобига бир ой давомида ўртача 3,2 млн кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Натижада 787 та объект ва 648 та хонадонда электр энергияси сифати янада яхшиланди.

Бир сўз билан айтганда, олиб борилган ишлардан кўзланган мақсад – аҳолининг бугундан мамнун бўлиб яшashi, яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ўз турмуш тарзини яхшилаш учун қулай шароит яратишдан иборат. Шу фурсатдан фойдаланиб, ушбу жараёнга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган барча архитектор, қурувчи ва муҳандисларни касб байрами билан муबारакбод этамиз. Халқ фаровонлиги йўлида олиб бораётган хизматларини сидқидилдан адо этиш, ёруғ юз билан эл дуосини олиш барча бунёдкорларга насиб этсин.

Асрларни бир-бирига боғловчи иншоотлар заргари

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбирлари.

Аслиддин Шакаров мўйқалам орқали бу ҳаётда ўз ўрнини топиб, обрў-эътибор орттириши, лойиҳачилик соҳасида нафақат кўҳна Кент, балки республикамизда ҳам ўзига хос ўрин эгаллашда мактаб давридаги бир воқеа туртки бўлганини Аламли кишлоғида яшовчи маҳалладошлари яхши эслайди. Уша кезлари у энди тўртинчи синфни битириш арафасида эди. Дарсга кўнгирак чалинган, ўқувчилар синфхонага кирган бўлса-да, ўқитувчи бироз кечикаётгани сабабли болаларнинг шовқин-сурони авжида эди. Шу пайт тўсатдан бошланган зилзиладан саросимага тушган ўғил-қизлар ҳовлига югуришди.

Бироздан сўнг қайтиб киришган, синф деворининг айрим жойлари силкиншдан дарз кетганини кўришди. Кейинчалик маълум бўлишича, икки-уч дақиқа давом этган табиий офат биргина Пайарик туманидаги 54-ўрта мактабга эмас, балки ҳудуддаги эскириб, муддатини ўтаб бўлган кўпчилик қорхона ва ташкилотлар, кўп қаватли уй-жойлар ҳам жиддий зарар етказган экан. Бошқалар каби бу воқеа Аслиддин ҳам қаттиқ таъсир қилгани учун шу кундан бошлаб иморатлар қандай қурилса чидамли бўлиши ҳақидаги фикр юрса ҳам, турса ҳам ҳаёлидан кетмайди.

Шу тарихида чизмачилик фанига қизиқиши банд бўлгани учун уни астойдил ўзлаштириб, ўзи орзу қилган иморатлар ва лойиҳалар яратиш мақсадида меъморчилик соҳасини мукамал эгаллашга интилади. Кўп ўтмай ўқувчилар ёзи таътилга чиқиб, тенгдошлари турли дам олиш масканларига отланишганда, у чизмачилик фани ўқитувчисига учрашиб, мақсадини айтиди. Ўқувчиси бошқа тенгдошлари орасида фанни доимо яхши ўзлаштиришини билган, қолаверса, қарори катъийлигини англаган муаллим дарсликдан ташқари зарур қўлланмаларни топиб беришга ҳаракат қилди. Сураган ҳар қандай саволига оғринмай жавоб беради.

Унинг таътилда ҳам уйдан чиқмасдан турли шакл ва чизмаларни қоғозга тушираётгани оила бошлиқларини бефарқ қолдирмади.

Келажакда шифокор бўлишини жуда-жуда хоҳлагандик, сен эса бекорчиликдан қорғани исроф қилиб, қандайдир нарсаларни чизиб ётибсан. Ахир, кўрпаканку, кишлоғимиздан бирор киши дардга чалиниб қолса, қанча йул босиб марказга боришга мажбур бўлатти. Вақти келиб шифокорлик касбини эгалласанг, беморларни шу ернинг ўзида даволаб, катта савобга эришсан. Унидимишни пучга чиқарма болам, – деди бир кунни отаси.



– Сиз кўрган чизгилар шунчаки нарсалар эмас, улар келажакда қуриладиган мактаб, уй-жой ва шифохоналар бўлади, – деди у отасининг фикрига жавобан.

Фарзандини хозирдан кўллаб-қувватласа, танлаган соҳаси орқали келажакда кўпчиликка нафи тегишини дилдан хис этган оила бошлиқлари керакли шароитларни яратиб беришди. Вақт эса кутиб турмас экан, кўз очиб юмгунча мактаб даври ҳам ортда қолди. Лойиҳачилик соҳасини умрининг мазмуни, деб билгани боис, Аслиддин соҳага дахлдор дарслик ва қўлланмаларни чуқур ўзлаштирди. Мактабда олган билимлари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига ҳужжат топшириганда асқатди. "Бўладиган бола бошидан маълум," – деганларидек, имтиҳонлар жараёнида бу ердаги устозлар Аслиддин каби ёшлар келажакда соҳани янада юқори поғонага кўтаришини дилдан хис қилишди.

Изланувчан ва қобилияти ёшлар доимо кўпнинг назарида бўлиши табиий ҳол. Аслиддиннинг "Қурилиш соҳасида бир хилдаги лойиҳалар ва уларнинг жамиятда тутган ўрни" мавзусида ёзган диплом иши институт олимлари, шу жумладан, ўша даврдаги ректорни ҳам эътиборсиз қолдирмади. Шу сабабли, институтни битириш арафасида унга шу ерда қолиб, илмий иш қилишини таклиф этишди. Аммо у институтда қолгандан кўра, ишлаб чиқаришга бориб, кўллаб тажрибаларни ўрганиши ва муҳими, олдига қўйган асосий мақсадига эришишни афзал кўради.

Ниятига эришиш учун дипломини кўлга киритган, дастлабки меҳнат фаолиятини меъмор Н. Содиков раҳбарлигидаги хусусий-ижодий қорхонасида архитекторликдан бошлади. Мақур ташкилот Самарқанд вилоятида катта тажрибга эга бўлган кўллаб мутахассисларни ўзида жамлагани Аслиддинга соҳани миридан-сиригача мукамал ўзлаштиришга имкон яратди. Ёш бўлсада, жамоа томонидан тайёрланган ўнлаб лойиҳалар юзасидан ўз таклифларини киритиб, соҳадолларнинг ишончини оқлади. Ўз навбатида, бу ердаги устозлари кўмағида янада бир неча чизмалари тегишли ташкилотлар томонидан муносиб баҳоланди ва уни касбдошлари орасида танитди.

Халқимизда, "Сен мансабини эмас, мансабинг сени кўтарсин", – деган гап бор. Аслиддин Шакарлов касбига ижодий ён-

дашиб, вилоятдаги касбдошлари орасида обрў-эътибор қозонгани сари, унга талабдор қорхоналар ҳам шу даражада кўпая борди. Жумладан, Самарқанд шаҳрининг тарихий қисмини тиклаш марказида архитектор, шаҳар Давлат кадастр бошқармасида етакчи мутахассис, "ДЖАТ" лойиҳа ишлаб чиқариш фирмасида архитектор, "SHARQEVROPROEKT-PLUS" шўъба қорхонасида лойиҳа бош архитектори, шу қорхона масъулияти чекланган жамиятга айлантирилгандан сўнг, унинг бош директори, "UNIVERSAL PROEKT-PLUS" масъулияти чекланган жамияти бошлиғи лавозимларида ишлаган даврда ҳеч қачон мансабини суистеъмол қилмади. Аксинча, жамоага яхши меҳнат шaroитларини яратиб, кўллаб шогирдлар тайёрлади. Улар яратган лойиҳалар бугунги кунда Самарқанд шаҳри ва туманлари, маҳаллалар қиёфасини тубдан янгилашга асқатди.

Чин дилдан ишлашни мақсад қилиб, ўзига ва жамиятга наф келтирмоқчи бўлган киши учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилгани тadbиркорларни янада руҳлантираётди. Аслиддин Шакарлов ҳам асрларни-асрларга боғловчи Янги Ўзбекистонни бунёд этишга ўз хиссамини қўшаман, деб "ZARKAMRUS QURILISH LOYIHA" масъулияти чекланган жамиятни ташкил этган. Бугунги кунда қорхонада меҳнат қилаётган ўттиз нафардан ортиқ мўйқалам соҳиблари қўлида сайқалланган лойиҳалар нафақат замонавий бинолар, кўп қаватли уй-жойлар, шифохоналарни қуришда қўл келяпти, балки уларни тиклаётган бунёдкорларни ҳам хайратлантирмоқда.

Жумладан, Булунғур туманида Ўзбекистон халқ шоири ва баҳисси Фозил Йўлдош ўғли ёлгорлиги ҳамда мажмуасининг қурилиш объекти учун лойиҳа-сметаси, "Чароғон" МФИдаги мактабгача таълим ташкилоти, "Навбахор" МФИ ҳудудидики кўшмача 180 ўринли мактаб ва спорт зали, Пайарик туманида замонавий конструкция асосида Давлат хизматлари агентлиги биноси, Самарқанд шаҳрида жойлашган Янги ҳаёт маҳалласи ҳудудида 61-сонли ўрта мактабни реконструкция қилиш ҳамда 240 ўринли кўшмача бино қуриш каби вазифалар мукамал равишда амалга оширилган. Шунингдек, Самарқанд давлат Тиббиёт университети қoшидаги Академик лицей биносини Россия

давлат жисмоний тарбия спорт, ёшлар ва туризм университетининг Самарқанд филиали ўқув биносига мослаб реконструкция қилиш, лаборатория қисмини жиҳозлаш, Тошкент, Жиззах, Навоий, Учқудук шаҳарлари ҳамда Каттакўрғон, Жомбой туманларида қад ростлаётган кўп қаватли турар жойларнинг лойиҳалари ҳам мақур жамоа меҳнатининг самарасидир.

Ўрни келганда айтиш керакки, шифокорлар соғлом авлод заргарига қиёсланса, мўйқалам соҳиблари, яъни, лойиҳачиларга ҳам худди шундай нисбат бериб, асрларни бир-бирига боғловчи иншоотлар заргари, дейишга асос бор. Зотан, улар ижод маҳсули сифатида яратилаётган замонавий лойиҳалар туфайли сўнги йилларда барча шаҳар ва қишлоқлар, маҳаллалар-у овуллар қиёфаси кўркам тусга кириб, одамларни қувонтирмоқда.

Асосий мақсади замонавий лойиҳаларни чизиб, фуқаролар қалбига қувонч улаштиришдан иборат бўлган Аслиддин Шакарлов республикамиздаги қадимий биноларни реконструкция қилиш, ён-атрофини ободонлаштириш сингари ишларда ҳам ўз жамoси билан фoал иштирок этаётди. Муҳими, ҳар қандай бажарилган иш сифатли ва замон талабларига мос бўлса, унга талабдор ҳам, сўраб-суриштирувчи ҳам шунга лойик экан. Гап шундаки, Аслиддин Шакарлов бошчилигидаги қорхона бугунги кунда қўшни давлатлардан ҳам йўқлаб келиб, буюртма бераётганлар бир талай.

Масалан, Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилоятидан келган тадбиркорларнинг талабига кўра, шу кунларда кўп қаватли уй-жой ва кўп тармоқли шифохона бинолари учун ҳам лойиҳалар тайёрланаётди. Уларни кўнгилдагидек бажаришда Хусан Мелиев, Илхом Тиллаев, Эркин Сиддиқов, Марат Абдурахмонов, Ферузжон Адамов, Алимадрон Мамазиёев сингари етакчи мутахассислар бор маҳоратини ишга солишган. Айни пайтда республикамизда бу сингари лойиҳа ташкилотлари жуда кўп ва улар билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Зеро, республикамиз ҳудудларида қад ростлаётган "Янги Ўзбекистон" массивлари, жойларда қурилаётган бошқа турдаги минглаб иншоотлар замирида шу лойиҳачиларнинг туналари кунларга улаб чарчамасдан ҳаракат қилаётган бармоқ излари мужассамдир...

Жиззахлик КРАНЧИ ҚИЗ...

Фозилжон ҚОСИМОВ,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.

Очигини айтганда, ушбу мавзуга ном беришда иккаланишлар кўп бўлди. Боиси, бугун ўз фаолиятини ердан 70 метр баландликда, қизлар учун ноодатий соҳада олиб борган Мадина Усмоновага жуда кўллаб таърифларни келтириш мумкин...



Келинг, дастлаб у билан танишувим ҳақида қисқача баён этай.

Бундан бир йил муқаддам, иш юзасидан Жиззах шаҳар ҳoқимлигида бўлдим. Массуъллардан ижобий жавобни олиб, яхши кайфиятда, ҳoқимлик биноси жойлашган Ўзбекистон кўчаси бўйлаб бироз пиёда юришга қарор қилдим. Шаҳарнинг ўзгаришларга юз тутган мазкур кўчасида бугун ўнлаб кўп қаватли уйлар қад ростламоқда. Кўз ўнгимда кўчанинг кеча, бугун ва эртанги ҳoлати гавдаланиб, хаёллар оғушида борар эканман баландлиги чамаси 40 метрдан зиёд бўлган қурилиш крани бўйлаб юқорига кўтарилаётган қиз эътиборимни тортиди. Махсус қурилиш либосида эканига қараганда, қиз шу объектда ишласа керак, аммо нега кранга чиқиб кетаяпти, деган саволга жавоб олиш учун қурилишга масъулларни излай бошладим. Яқин атрофдаги йигитларга ўзимни таништириб, қиз ҳақида сўрадим.

Айтилишича, бу қиз айни вақтда 42 метрлик кранини бошқарётган экан. 21 ёшли Мадина Усмонова бу касбни эгаллаганига 1 йил бўлган бўлсада, бир неча объектлар қурилишига ўз хиссасини қўшиб улгирган. "Унинг шахсий рекорди 70 метр баландликни ташкил этади", деди сўхбатдошим. Бу маълумотлардан сўнг, қизиқишим ортиб, Мадина билан суҳбатлашим учун уни ерга тушишни кута бошладим. Баланд минорасида меҳнат қилаётган бўлажак сўхбатдошимнинг бажараётган ишларини кузатиб хайратим ошди.

Ниҳоят, белгиланган режани бажариб бўлди, шекилли, Мадина пастга тушди. "Кранчи қизга" ўзимни таништириб, унинг фаолияти билан танишиш мақсадида эканимни билдирдим. Ижобий жавобни олган, сўхбатимиз ҳам бошланди. Ўз навбатида, юқори даражада аниқлик ва масъулият талаб қилганидан ушбу касбни нега танлагани қизиқ, албатта.

– Жиззах шаҳри марказида қурилаётган ушбу турар жой объекти 9 қаватли бўлиши режа қилинган. Менинг қурилишдаги ўрним эса бетон плиталар, бетон қорини ва бошқа оғир юкларни телага олиб чиқиб бериш, жойига етказишдан иборат. Албатта, касбимни ўзига яраша қийинчиликлари ҳам бор, аммо баландликдан қўрқмайман. Бу касбдаги устозим навоийлик Бахтиёр ака исмли кранчи. Дастлаб, Жиззах шаҳридаги 16

қаватли уйлар қурилишида фаолият олиб бордим, ҳам машаққатли ҳам завқли бу касбим. Дадан сабабли бу касбга қизиқишим ортган. Фаолиятимни бошлаганим. Тонгги тугатгач, фаолиятимни бошлаганман. Тонгги шарт 8:00 дан кранга чиқиб, зиммамга юкланган вазифаларни бажаришга киришаман. Шароитлар жуда яхши, маошлар ўз вақтида бериб борилади, – деди у.

Табиятан бироз уятчан қизни кўп ҳам саволга тутавермасликка қарор қилдим. Устозлари ўғитлари билан назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаган Мадина ҳақида қурилиш фирмасининг иш бошқарувчиси Шохрат Мусурмонов шундай деди:

– Қўриб турганингиз мана шу 9 қаватли уйнинг қурилиш жараёни давом этапти. Бу ерда 70 дан зиёд ишчи-ҳодим самарали меҳнат қилишмоқда. Улар орасида қизимиз Мадина Усмонованинг ҳам ўзи ўрни бор. Ўз ишига жуда масъулиятли, юклатилган вазифаларни ўз вақтида, кўнгилдагидек бажаришга ҳаракат қилади. Биз жуда ҳурмат қиламиз бу қизимизни.

Табкидлаш керак, бугун юртимизда меҳнати, изланиши орқали хотин-қизлар ўз севган касби ва ҳўнари билан бандлиги барчага маълум. Мадина Усмонова танлаган касб ноодатийлиги билан бошқалардан ажралиб тургани учун ҳам, унинг фаолияти кўпчилик учун қизиқ бўлса керак.

"Кранчи қиз" билан танишганимизга ҳам бир йил бўлибди. Бу ҳақда ўйлаб туриб, ижтимоий тармоқдаги янгиликларга кўзим тушди. Унда, мамлакатимизда ҳар йили юқори қайфиятда нишонланадиган "Ёшлар кўни" мунoсабати билан ўзининг ижодий ва интеллеktуал соҳoияти, истеъдод ва қобилиятини намoён этиб кeлаётган, бунёдкорлик ишларига муносиб хиссасини қўшаётган ёшлар қаторида жиссазлик "кранчи қиз" Мадина Усмонова "Келажак бунёдкори" медалига муносиб кўрилганини ўқиб хурсанд бўлдим. Шунда бир фикр хаёлимдан ўтди. Қурилиш кранини бошқариш қиз бола учун оғирлик қилар эканми. Аммо киши касбини севса, мақсади энгиллик, ватан раванкига хисса қўшиб бўлса ва бунни ҳис қилса, касб қийинчилиги ҳам уни қизғин қилар эканми. Туюлиши, шабҳасиз.

Муқофот муборак, Мадина!

Хоразмдаги бунёдкорлардан бири

Болабой МАТҚУРБОНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Инсон борки ёшлигида бирон касбни эгаси бўлсам, дейди. Катта бўлгач, мен ҳам мустақил иш кўрсатиб, юртга нафим терсам, ота-онамга раҳмат келтирсам, деб орзу қилади. Орзуни янгиликлар рўйи учун ўқиб-ўрганади. Устоз тутайди. Унинг ўғитларига қулоқ тутиб, камолга етади.

Қаҳрамонимиз – Улўғбек Болтаев ҳам бирданига "Саёт қурилиш" МЧЖга раҳбар бўлиб қолгани йўқ. Ёшлигидан ўқиб-ўрганади. Дастлаб, тумандаги 17-умумий ўрта таълим мактабини, кейинчалик касб-хўнару ўрта билим юртини, сўнгра, 1981-1986 йилларда Тошкент политехника институтини инженер-механик мутахассислиги бўйича тамомлади. Дастлабки иш фаолиятини 1986 йилда Хива туманидаги Фрунзе колхозидики гараж мудири вазифасида бошлади. Кейинчалик эса "Болта-Мадамин" МЧЖни ташкил этиб, тадбиркорлик қилиб мустақил иш бошлади. 2002 йилда "Саёт қурилиш" МЧЖга асос солиб, бугунги кунгача шу қорхонанинг раҳбари бўлиб ишлаб келмоқда.

Улўғбек Болтаев вилоятда мустақиллик даври шаҳарсозлик маданиятини яратиш ва ривожлантиришга муносиб хисса қўшиб кeлаётган қурувчилардан бири. Унинг бошчилигидаги қурилиш бригадаси

ларни вилоятдаги кўллаб муҳим объектларни барпо этишда фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Бу борада маҳоратли қурувчининг ўзига хос тажрибаси бор. Хусусан, иш вақтидан ҳамда қурилиш материалларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, бажарилаётган ишларнинг қурилиш технологияси ва сифатига риоя қилинишини қаттиқ назоратга олиш – унинг учун доимий қоидага айланган. Шу боис, ўзига бериштирилган барча объектларни муддатидан олдин ва сифатли топширишга эришиб келмоқда.

2018 – 2020 йилларда масъулияти чекланган жамияти томонидан 50,3 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган. Жумладан, 2018 йили 19,1 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш

ишлари бажарилган бўлса, 2020 йилга келиб эса қорхона томонидан 20,9 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Моҳир қурувчи бошчилигида сўнги уч йилда вилоят микёсидики ҳам бир қатор объектларда бунёдкорлик ишлари олиб борилган. Жумладан, 2018 йилда ёш оилалар учун Урганч шаҳрида 53008-сонли ҳарбий қисмининг фаоллар зали, спортзал, футбол майдончаси, кишки боғ ва унинг олдида фонтан қурилиши ҳамда ободонлаштириш ишлари шулар жумласидандир. 2019 йилда Хива шаҳридаги Оғаҳий боғини реконструкция қилиш ҳамда ДХХ Хоразм вилояти бошқармаси фаоллар зали биносини капитал таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилган. 2020 йилда эса Хоразм вилояти Мудоффа ишлари бошқармаси бино ва иншоотларини рекон-

струкция қилиш, Урганч туманидаги Қўпқоқ ва Бободехон маҳаллаларида сув тарқатиш иншоотини реконструкция қилиш ва ичимлик сув тармоқларини қуриш, Малайзиянинг Бинари университети Урганч халқаро филиали учун ажратилган собиқ Урганч ижтимоий-иқтисодий касб-хўнару коллежи биносини реконструкция қилиш каби ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда Улўғбек Болтаев жамоаси билан Хоразм вилояти мусикали драма театри ходимлари учун турар жой биноси қурилиши, Шовот тумани Узуноқул маҳалласи ҳамда Хива тумани Индавак маҳалласида ичимлик суви тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари, Хива шаҳар "Қўй дарвоза"дан "Полвон дарвоза"гача бўлган хийбон ва олди очик майдони ҳудудидаги 25400 м² пиёдалар йўлакчасини қуриш ва брусчатка ётқизиш ҳамда Хива шаҳар "Ҳазарасп дарвоза"дан "Тош дарвоза"гача бўлган хийбон ҳудудида иккита янги мусикали фаввора қуриш ишларини сикдикдилдан бажармоқда.

Бундан ташқари, У. Болтаевнинг қатор рационализаторлик таклифлари қурилиш амалиётига татбиқ этилган. Жумладан, қурилиш объектининг ўзида темир-бетон устунларини ва ўзақларини, арматура қарқаслари ҳамда темир-бетон белбелларини тайёрлашни йўлга қўйган. Шунингдек, яхши

устоз сифатида ёшларга касб сирларини ўргатиб келмоқда. Касб-хўнару коллежлари ўқувчиларининг амалиёт ўташи учун шарт-шароитлар яратишга хисса қўшмоқда. Жумладан, сўнги уч йилда қорхонада 15 нафар коллеж битирувчиси амалиёт ўтаган. Бугунги кунда "Саёт қурилиш" МЧЖда 118 нафар ишчи тўлиқ иш билан таъминланган. У жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. Ўзи истиқомат қилган "Чин-обод" маҳалла фуқаролар йиғинига ҳам аяқиндан ёрдам бериб кeлади. Унинг ёрдами билан маҳаллага мевали ва манзарали дарахлар ўтқазилди, турли тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг ҳаётий самараларини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга катта хисса қўшиб келмоқда. Улўғбек Болтаевнинг қурилиш соҳасида узоқ йиллар қилган меҳнатлари инобатга олиниб, Ўзбекистон мустақиллигининг қатор йиллардаги кўкрак нишонлари ҳамда юқори ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари билан муқофотланган. 2021 йилда эса Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллик байрами арафасида "Дўстлик" ордени билан тақдирланган.

Биз ҳам қаҳрамонимиз ва у бошчилигидаги жамоани Қўрилиш соҳаси ходимлари кўни билан сямимий табриқлаймиз!



“АСЛИДА, ҲАММАМИЗ ЎЗ ҲАЁТИМИЗНИНГ ҚУРУВЧИСИМИЗ”

– дейди тажрибали қурувчи
Мирзо-Улуғбек Холҳанов

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бир неча йилдирки, август ойи қурувчилар учун аҳамиятли ҳисобланади. Чунки айнан августнинг иккинчи яқшанбаси – Қурилиш соҳаси ходимлари куни сифатида нишонланади. Йил давомида юзлаб қурувчилар ҳақида ҳикоя қилган бўлса-да, байрам арафасида уларнинг фаолиятига янада яқиндан назар солишимиз, соддадил, заҳматкаш бунёдкорларимизга ҳурматимиз ифодаси бўлиб хизмат қилади. Бугунги ҳикоя қиладиган қаҳрамонимиз ҳам кўплаб бунёдкорлик ишларини амалга оширган тажрибали қурувчилардан. Билганларини ёшларга ўргатишдан чарчамайдиган қаҳрамонимиз ўз ҳаётий фалсафасига эга.

Айни пайтда юртимизда “REAL HOUSE” бренди остида фаолият юратадиган “LOTUS GAZ INVEST” МЧЖда бош муҳандис вазифасида ишлаб келаётган Мирзо-Улуғбек Холҳанов 1961 йил Наманган шаҳрида туғилган. Мактабни битириб, пойтахтдаги Темир йўл муҳандислари институтининг қурилиш факультетида ўқишга киради. Ўқишни битиргач, институт томонидан берилган йўлланма асосида Қўқон темир йўл станциясида оддий ишчи сифатида фаолиятини бошлайди. Кўп заҳматлар, тинимсиз меҳнат ва сабр ўз натижасини бермасдан қолмади. Аста-секин Фарғона темир йўл бўлими мастерлигига кўтарилди. Бир кун Фарғона, бир кун Наманган, ҳуллас, водий бўйлаб тинимсиз ҳаракатли ҳаёт уни толиқтирди. Бу давр

мобайнида кўплаб кўприклар қурилишига масъул бўлди. Соҳада яхшигина тажриба тўплагач, “Агропромстрой” қурилиш бирлашмасида фаолиятини давом эттириб бошлади. Кейинчалик бирлашма иккига бўлинади. “Агропромстрой” ва “Колхозстрой” трестига бўлинган бирлашма суҳбатдошимизни “Колхозстрой” трестида иш фаолиятини давом эттиришга йўналтиради.

Мирзо-Улуғбек Холҳанов айни шу йиллардан бошлаб, қурилишнинг юрагига кириб боради. “Колхозстрой”даги йиллар қаҳрамонимиз ҳаётида муҳим ривожланиш босқичи бўлган десак, адашмаймиз. Чунки 1997 йил МПМК-130 раҳбари этиб тайинланади. Унгача ҳам ПМК ва трестларда бир неча йил ишлайди. Бу эса қаҳра-

монимизга ҳужжат юритиш борасида анча кўл келади. МПМК-130 да эса қарийб 10 йилга яқин вақт давомида раҳбарлик қилиб, кўплаб йирик лойиҳаларни амалга оширишга эришди.

Наманганда тоза ичимлик суви муаммога айланиб қолгани сабабли Норин дарёсида тоза ичимлик сувини филтрлаб берадиган иншоот қуриш ишлари бошланади. Бу қурилиш Мирзо-Улуғбек ака фаолиятидаги анча жиддий ишлардан бири. Сабаби, ўша пайтда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков лойиҳа устида ҳар ойда назорат ва кузатув ишлари учун ташриф буюрарди. Талабчан масъул мутахассисларга қўтилмаган саволлар берар, сивондан тузуқ ўта олмаган, тажрибасиз ходимларни ишдан бўшатиб

жорбарди. Аммо бу каби чиғирқлардан муваффақиятли ўтган қаҳрамонимиз олға юришда давом этади.

2007 йилларда у “O'zeksportmarkaz” худудининг жанубий-ғарбий томонидан кириш қисми, 2008 йилда эса Савдо маркази қурилишида иштирок этиш таклифини олади. Шу йилдан бошлаб, унинг Тошкентдаги кенг кўламли меҳнат фаолияти бошланади. “O'zeksportmarkaz” муваффақиятли топширилиб, давлат раҳбари ташрифи чоғида барча қурувчилар ўз миннатдорчилигини билдиради. Бу, албатта, инсонга катта куч бағишлайди. Шундан сўнг, бирин-кетин йирик иншоотлар қурилишига бош-қош бўлади. Уша пайтлар вазият анча мураккаб бўлиб, кўп фирмалар тезда банкрот бўлиб ке-

тар, баъзи қурилишлар охирига етмай, ишчилар ойлиги вақтида берилмай қолиши кузатилар эди. Шунга қарамай, Мирзо-Улуғбек ака “Visa” фирмаси билан Намангандаги Хотира майдони ва яна бир қатор муҳим объектлар қурилишини намунали тарзда ақунлайди. Шунингдек, Ўзбекистондаги “Tegmadon” гишт заводи қурилишини амалга оширишда ҳам бош муҳандис сифатида қатнашди.

Бу корхона асли Германияники бўлиб, юртимиз қурилиш жараёнини сифатли хом-ашё билан таъминлашни асосий мақсад қилгани, – дея хотирлайди қурувчи. – Шу сабабли, қурилишга жиддий эътибор бердик. Буни ҳам муваффақиятли топширгач, “ТЕХНОINVEST” МЧЖдан таклиф тушди. Улар билан “Beeline” компанияси

офисини қайта реконструкция қилдик. Бу орада бир неча цехлар қурдик. Сўнгра, “LOTUS GAZ INVEST” МЧЖда иш бошладим. Дастлаб, Олой бозори атрофида, кейинроқ эса Чуқурсойда ҳам кўп қаватли уйлар қурилишини амалга оширдик. Шундан сўнг, “Tashkent City” мажмуаси ҳудудидан катта ҳажмдаги қурилиш ишлари киришдик. Мана, олти йилдирки, бу ерда бизнес марказ, банк биноси ва турар жойлар қурилишини амалга ошириб келяпмиз.

Сўхбатимиз сўнгида қаҳрамонимиздан қурилиш соҳасидаги узоқ йиллик тажрибаси ва хулосалари ҳақида сўрадик.

– Биласизми, ҳар бир соҳада ўзига яраша қийинчилик ва ўзига яраша ризқ бор, – деди қаҳрамонимиз. – Шунинг учун инсонларнинг фалон соҳада даромад яхши ёки танлашига қаршиман. Ҳозирги ёшларнинг кучли, чинакам мутахассис бўлишини истайман. Аммо кўпчилиги ишга сазё билим билан келади. Сиз қайси соҳада бўлса ҳам, энг зўри бўлсангиз, даромад шундоғам топилади. Баъзи ёшлар эса бирдангина бойиб кетишни истайди. Йиллаб у соҳадан бу соҳага оғишиб, чала лаёқат билан юришади. Агар сабр қилиб, битта соҳани мукамал ағаллаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди, яхши қурувчи, муҳими, ҳурматга сазовор инсон бўлиб ётишади. Қурилишдаги энг катта хулосам шунки, қурувчи ҳалол бўлиши, ҳеч қачон биронинг ҳаққига хиёнат қилмаслиги лозим. Шунда иши ҳаммаша олға ривожланади. Агар сиз оддий мардикор бўлсангиз ҳам атрофдаги билан ўзингизни таққосламангиз, ҳаётингиздан рози бўлсангиз, ишонавиринг, йўлингизни бир нуқтага қилиб, ўзи сизни муқофотлайди. Мен шуни шўкрона дейман. Тақдирга рози бўлиб, йўл бошидаги қийинчиликлардан қочмаслик керак. Чунки ҳамма йўллар қийинчилик билан бошланади.

Аслида, ҳаммамиз ўз ҳаётимизнинг қурувчисимиз. Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча қурувчиларни бугунги касб байрами билан табриқлайман. Хусусан, ўз йўлини топиш, ҳаётини қуриш арафасида турган барча ёшларга мустақкам ва кўркам ҳаёт, севимли касб эгаси бўлишларини тилайман.

ТАЛАБЧАН ҚУРУВЧИ ВА НАМУНАЛИ ОТА

Муҳиддин МАҒЗУМОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

1957 йил 1 мартда Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги Сайфиддин ота ва Турсунхон аянинг пиру бадавлат оиласида бешинчи фарзанд – Сирожиддин дунёга келди. Бу хонадонни, таъбир жоиз бўлса, зиёли инсонларни тарбиялаб, етиштирадиган макон десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Ахир оилада камол топган ўн бир нафар фарзанднинг (саққиз ўғил ва уч қиз) саққиз нафарини олий маълумотли қилиб ўқитиш айтишгагина осон.

Гап шундаки, илмга ошно Сайфиддин ота бир умр электромонтерлик касбига эл-юртга ҳалол хизмат қилиб, рўзгорни юртган бўлса, Турсунхон ая эса ўқитувчиликни ардоқлаб, мактабда ҳам, оилада ҳам билим зиёсини кенг таратди. Зеро, оиладаги фарзандлар таълим-тарбияси 90 фоз онанинг нечоғли билимли эканига, шунингдек, савияси ва дунёқарашига бевосита боғлиқлиги айни ҳақиқат.

8-синф ўқувчиси Сирожиддин бошқа фанлар қатори, айниқса, чизмачиликда иқтидорини намойиш қилган акаси – Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент политехника институтини талабаси Садриддиннинг эътиборига тушади. Дарсликда берилган турли деталлар чизмасини уй вазифаси сифатида қўйиллатиб чизганини кўрган ака жигарғушасига саволлар бериб, камчиликларини тўлдириб борди. Техник шрифтларда бежирим ёзиш усулларини ўргатади.

Урта таълим мактабини битиргунча Сирожиддин ўзи қизиққан соҳа сирларини анча ўзлаштириб олади. 10-синфни тамомлаб, Тошкентдаги алоқага ихтисослашган қурилиш-монтаж бошқармасида бир йил ишчи вазифасида ишлайди. 1975 йилда синов имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, Тошкент политехника институтига талабалikka қабул қилинади.

– Ҳеч эсимдан чиқмайди, – деди қаҳрамонимиз биз билан сўхбатда. – Институтда чизма, геометриядан дарс берувчи, фамилияси Убайдуллаев бўлган каттиққўл ва жуда талабчан домламиз бўларди. Таниш-билишчилик ва бошқа қинғирликларга асло тоқат қилолмасди. Мабодео, бирон бир талаба семестрларда имтиҳонлардан ўтолмай қолиб, ўртага кимни қўйишдан қатъи назар, домла: “Ўйп, баҳосини қўйиб бераман”, дердию,

лекин шу “илтимосга” жавоб тарзидан фанлар қатори, айниқса, чизмачиликда иқтидорини намойиш қилган акаси – Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент политехника институтини талабаси Садриддиннинг эътиборига тушади. Дарсликда берилган турли деталлар чизмасини уй вазифаси сифатида қўйиллатиб чизганини кўрган ака жигарғушасига саволлар бериб, камчиликларини тўлдириб борди. Техник шрифтларда бежирим ёзиш усулларини ўргатади.

1980 йилда Қишлоқ қурилиш вазирлигининг махсус йўлланмаси билан Уйчи туманидаги 84-кўчма механизациялашган колоннада қурилиш устаси сифатида иш бошлади. Шундан буён орадан қирқ уч йил ўтган бўлса, қурилиш соҳасидаги қорхона ва ташкилотларда турли лавозимларда меҳнат қилдим. Бор билим ва малакамни сарфлаб, ўзим севган касбим шайнига доғ туширмасликка ҳаракат қилдим. Чунки дадам раҳматли инсоннинг шаъни улуғлиги баробарида танлаган касбига ҳам ҳеч қачон хиёнат қилмаслик кераклигини ёшлигимдан кўп ўқитишди. Ушбу ўғитнинг туб моҳиятини ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб, англаб етдимки, қурилиш ҳам худди табиъет соҳасидек жуда залворли масъулиятни талаб қиларкан. Ҳар иккисидан ҳам инсон тақдирини жамулжамки, бунда хатога йўл қўйиш ёки бепарволарча масъулиятни ҳис қилмаслик керак, бунинг тўлови жуда ҳам қимматга тушади. Яъни, ҳар икки соҳада ҳам инсоннинг ҳаёт-мамотига бевосита дахлдорлик мужжасам!



Бир неча йиллар аввал ўзим ишлайётган идорада иш юзасидан бошлиқ билан тортишиб қолиш ҳолатларим бўлиб турарди. Қарасам, сабоқларни олиб, институтни қурувчи муҳандис-технолог мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан битирдим.

Бир неча йиллар аввал ўзим ишлайётган идорада иш юзасидан бошлиқ билан тортишиб қолиш ҳолатларим бўлиб турарди. Қарасам, сабоқларни олиб, институтни қурувчи муҳандис-технолог мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан битирдим.

Айтиш мумкинки, мақоламиз қаҳрамони – моҳир ва тажрибали қурувчи муҳандис-технолог Сирожиддин Аҳмедов турмуш ўртоғи Муҳаддасхон Аҳмедова билан уч ўғил ва икки қизни оқювиб, оқтараб, тарбиялаш билан бирга уларни зиёлилар оиласига муносиб ворислар бўлиши учун намунали таълим беришди. Катта ўғил – Неъматжон коллежда ёшларга сабоқ беради. Заҳириддин Тошкент Архитектура-қурилиш институтини бакалавр ва магистратура босқичини битириб, қурилиш соҳасида иш юритувчи вазифасида ишлаган олий маълумотли мутахассис омада. Кенжа ўғил – Ҳимойиддин эса Наманган муҳандислик қурилиш институтининг 4-босқич талабаси. Қизи Муъассархон ва Муаттар ҳам намунали хонадонларнинг бекалари.

Қаҳрамонимиз йигирма йилдан буён Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал соҳасида худудий назорат қилиш инспекциясида бош инспектор лавозимида ишлаб келмоқда. Муносиб устоз сифатида шогирдларига ўз иш тажрибалари ва малака сирларини ўргатмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Сирожиддин ака тимсолида барча қурувчи мутахассисларни касб байрамлари билан чин дилдан муборакбод этамиз!

Бахтга етаклаган касб

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Дунёда касблар жуда кўп. Ким биландир касби ҳақида суҳбатлашиб қолсангиз, албатта, ўз соҳасининг афзалликларини, у билан фахрланишини гапирарди. Улар орасида қурувчилар ҳам жуда кўп.

Роза Бержанова мана шундай кўнгли очик, ўз бахтини қурувчиликдан топган аёллардан. Кичкиналигидан ўз уйининг таъмирлашда доимо ота-онасига кўмакчи бўлган, бўяш ишларини бекаму кўст бажарган Роза опани бу қизиқиши Нукус шаҳридаги Қурилиш техникумига ўқишга етаклади. Техникумда у буюқчи, сувқоқи, гишт терувчи, ёғоч ўймакорлиги каби хунарларни ўрганиш билан бирга, кран бошқарувчилиги бўйича ҳам ўқиб, мутахассисликка эга бўлди.

Кичкиналигимда тупроқ ўйнасақ негадир доим уй қураар эдим, – деди Рано Бержанова. – Расм дарсида ҳам унинг расмини чизгим келарди. Шунданми, мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ катта бўлсам, уй кураман, қурувчи бўламан деганман. Техникуمنى тамомлагач, Нукус шаҳридаги “Уй-жой қурилиш” МЧЖга ишга кирдим. Илк ишимни буюқчиликдан бошлаганман. Лекин энгинаманда катта кран тепасига чиқиб, қурилиш материалларини баландиликка етказиб бераётган кранчига ҳавасим келарди. Сўнг, унинг ёнида анча вақт тажриба орттирдим. Вақт ўтиб раҳбарлар менга ишонч билдиргач, кранда мустақил ишлаб бошладим.

Шунча катта техникани кичкинагина рельс устида нари-бери юргизиб бошқариш, анча оғирликдаги юкларни қурувчиларга хавфсиз етказишнинг жавобгарлигини зиммамга олиб, уни талафотсиз бошқарганимга ўзим ҳам ҳайрон қоларман. Ташқаридан қараганда краннинг зинасидан қоқрига шунчаки кўтарилуш мумкин. Лекин қанча кўтарилган сайн хаяжон босишини, анча куч сарфланишини ҳамма ҳам билвермайди.



Нукус шаҳрида қурилган кўплаб уйларнинг барпо этилишида иштирок этганман. Қран тепасида ўтириб, шаҳарнинг манзарасига қараганимда тўлкинланиб кетасан, киши. Шунча қандам, чиройли уйлари қуришда иштирок этганимдан фахрланаман. Биз қурган уйларга кўчиб ўтаётган оилаларнинг қувочини кўриб, ўзини бахтиёр ҳис қиламан. Қурувчиликдан бахт топганимга янада ишончим ортади.

Бугунги кунда Нукус шаҳридаги 27-кичиқ туманининг қурилиш жараёнида буюқчи сифатида иштирок этаётган Рано Бержанова каби жасоратли қурувчи аёллар бор экан, юртимиз келажига порлоқ бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча фидойи қурувчиларни касб байрами билан чин қалбимиздан кутлаймиз.

Жамиятнинг шижоатли бунёдкорлари

Самарқанддаги “Samarqand products” МЧЖнинг шижоатли бунёдкорлари шу кунларда Фирдавсий кўчасида барпо этилаётган муҳташам уй-жойни фойдаланишга топшириш учун астойдил меҳнат қилишяпти.

Тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан ўтган йили ҳам шаҳар аҳолисига туртта шундай иморат тортиқ этилганди. Қолаверса, қурувчилар Тошкент шаҳридаги қатор турар жойларнинг қад ростлашида ҳам фаол қатнашган.

– Мустақкам моддий-техник база ва чиниққан ишчи-хизматчилар борлиги ютуқларимизнинг асосий омилдир, – деди жамият директорининг молиявий масалалар бўйича ўринбосари Толмасхон Низамов. – Қолаверса, бунёдкорлик билан биргаликда ишлаб чиқаришга катта аҳамият бераёلمиз. Қатор корхоналаримизда тайёрланаётган қурилиш материаллари эҳтиёжни қонди-

ришдан ташқари, эркин бозорда муносиб ўрин топган. Шу босис, янги цехлар очишга жиддий аҳамият қаратяпти. Ўтган йилда “Akfa” эшик-ромларини тайёрлашни йўлга қўйган бўлсақ, жорий мавсумда эса қиймати 2,7 миллион АҚШ долларлик янги лойиҳа амалга оширилмоқда.

Шунингдек, бўлажак корхонада бўёқ ва турли аралашмалар сифатини оширишга, мустаҳкамлигини яхшилашга ёрдам берувчи ноёб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилган. Бунинг учун катта хомашё базасига эга Афғонистон давлати билан шартнома тузилган.

Ўз мухбиримиз.

“Қурувчи давлатнинг асосий фондини яратади”

Ватанимиз ободлиги, ҳамюртларимизга қулайлик яратиш мақсадида шинам, сифатли турар жойлар ва бошқа ижтимоий объектлар бунёд этишга бутун умрини бахшида қилган фидойи инсонлар бор. Шундай кишилардан бири – қурувчи-муҳандис Тоҳир Ботировдир.



Етмиш икки баҳорни қарши олган Тоҳир Ботиров қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётганига яқинда 50 йил бўлади. Шу давр мобайнида у кўплаб ташкилотларда турли лавозимларда ишлади. Қарийб ун йил давомида билим ва тажрибаларига таяниб, талабаларга соҳа сир-асрорларидан таълим берди. Ҳозирда у “Узгорисаноатлойтих” акциядорлик жамиятида Қурилиш материаллари ва конструкциялари синов лабораториясининг раҳбари сифатида ишламоқда.

– Қурувчилик касбини танлашнингизга нима сабаб бўлган?

– Қурилиш соҳасига меҳр қўйишим болалгимда бошланган. Отам математика-физика ўқитувчиси эди. Ишдан келди, дегунча уйда ҳар хил нарсалар ясарди, курарди. Отанинг қурилиш жараёнидаги ҳисоб-китобларига, ўлчамларни тўғри олишига ҳайрон қолардим. Ҳамқишлоқларимиз ҳам бу борада отам билан маслаҳатлашиб туришарди. Шундай қилиб, бу касбга қизиқиш қолганман. Мактабни битиришим арафасида ҳозирги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетига ўқийдиган амакиваччам мазкур олийгоҳ ҳақида гапириб берди ва “Биронта иморатнинг лойиҳасини чизиб бероласанми?” деди. Чизишга ҳаракат қилиб кўрдим. Шундан сўнг у менга ушбу институтга киришни маслаҳат берди. 1969 йилда ана шу олийгоҳга ўқишга қабул қилдим. Даставвал сал қийинчилик бўлди, бироқ қурувчиликка астойдил қизиққанам боис олийгоҳни яхши тамомладим.

– Илк иш фаолиятингизни қаерда бошлагансиз?

– Уша пайтлари олийгоҳ битирувчилари йўланма орқали ишга юбориларди. Институтда яхши ўқиганим ва диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилганим учун менга рўйхатдан ўзим хоҳлаган ишни танлаш имконияти берилган. Мен эса албатта, ўзим яшайдиган Сирдарё вилоятини танлаб, “Сирдарё рестрой” қурилиш трестига илк фаолиятимни бошладим. Кейин Боёв у туманида ишнинг давом эттирдим. Сўнгра бошқа ташкилотларда, кейинроқ эса фаолиятимни Тошкентда давом эттирдим.

– Айни пайтда ўзингиз раҳбарлик қилаётган лаборатория фаолияти ҳақида маълумот берсангиз.

– Аслида, ҳар бир қурилиш ташкилотининг ўз лабораторияси бўлиши керак.

Бундан мақсад шуки, қурувчи қураётган биноларини, қилаётган ишларини ўзи текшириши лозим. Чунки лаборатория қурилиш назорати тизимининг асоси ҳисобланади. Агар инсон бемор бўлса, биринчи навбатда кўридан ўтказиб, ташхис қўйиб керак бўлади. Шундан кейингина унга муолажа қилиш мумкин. Лабораторияни ҳам худди ўша ташхис қўювчи шифокорга қиёсласак бўлади. Қурилиш материаллари ва конструкциялари синов лабораториясини 2012 йилда ташкил қилганмиз. Ҳозирда лабораториямизда 10 нафар малакали ходим фаолият олиб бормоқда. Биз ҳар йили 100 дан ортиқ қурилиш ташкилоти билан бирга ишлаймиз. Буларнинг орасида хорижий компаниялар ҳам бор. Хусусан, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Туркия ва бошқа давлатларнинг қурилиш-пудрат ташкилотлари билан ҳам-корлигимиз бор.

– Сиз йигирманчи асрда ҳам ва мана, йигирма биринчи асрда ҳам назорат соҳада фаолият юритиб келмоқдасиз. Бу икки даврнинг қурилишида қандай тафовутлар бор, деб ўйлайсиз?

– Аввало, мутахассис кадрлар борасида анчайин фарқ бор. Биз айни пайтда соҳада малакали кадрларни кўпайтиришимиз керак. Шунингдек, қурилиш хомашёлари сифатида ҳам сезиларли тафовутларни кузатиш мумкин. Аслини олганда, барча муаммоларнинг туб илдизи кадрлар масаласига бориб тақалади. Ернинг остидан ҳам, устида ҳам қурилган барча бино ва иншоотлар давлатнинг асосий фонди ҳисобланади. Ана ўша асосий фондини яратадиганлар билими бўлиши лозим ёки соҳадан кетиши керак. Сифатсиз қурилиш қилиб, давлат мулкани кемиргандан кўра ишламаган маъкул, деб ўйлайман.

– Ҳар бир қурувчида касбий билим ва кўникмалардан ташқари яна қандай хислатлар бўлиши керак?

– Қурувчи, биринчи ўринда, виждонли бўлиши лозим. Ўз касбига муҳабати бўлса, ишини чин дилдан севса, қураётган бинолари ҳам шунчалик сифатли ва мустаҳкам бўлади. Ҳар бир барпо этаётган объектнинг инсонлар ҳеч бир муаммосиз фойдаланиши учун қуриши керак.

– Мазмуни сўхбат учун раҳмат!

“O'zbekiston bunyodkori” мухбири
Муродбек ҲАЙДАРОВ
сўхбатлашди.

ҚУРГАН ИМОРАТЛАРИ ДЎСТЛИГИДЕК МУСТАҲКАМ

Муродбек ҲАЙДАРОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири

Халқимизда “Кийимнинг янғиси яхши, дўстнинг – эскиси”, деган мақол бор. Чунки дўстнинг ҳақиқийси синовларда билинади. Дўстлик – барча замонларда инсоният учун қиймати баланд муносабатлардан бири ҳисобланган. Сўзимизни бежиз дўстлик ҳақида гапиришдан бошламадик. Сабаби, қуйида сиз танишадиган қаҳрамонларни ҳам мана шундай қимматбаҳо дўстлик риштаси боғлаб туради. Улар Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманидаги Навоий номидаги овул фуқаролар йиғинида туғилиб, ўсиб улғайишган. Қаҳрамонларимиз мусофирчиликнинг турли синовларида товланиб, яқин дўстга айланишган.

35 ёшли Расулбек Базарбаев ҳозирда пойтахтимиздаги “Новастрой” қурилиш компаниясида фаолият олиб борапти. Шунингдек, бир пайтнинг ўзида Урганч давлат университетининг Геодезия, картография ва кадастр факультетига сирдан тахсил олмақда. Аслида, геодезия бўйича мутахассис бўлган қаҳрамонимиз 2007 йилдан 2018 йилгача Россия Федерациясида қурилиш соҳасида ишлаган. У ердаги фаолияти давомида жуда кўплаб



йирик лойиҳалар, хусусан, катта стадионлар, савдо марказлари, ишлаб чиқариш корхоналари, истироҳат боғлари қурилишида иштирок этган. Мазкур соҳада 16 йиллик тажрибага эга Расулбек Базарбаев ҳозирга қадар 20 га яқин йирик объектлар қурилишида бевосита қатнашган.

– Европа билан бизнинг қурилишлар ўртасида анча фарқ бор, – деди биз билан сўхбатда Расулбек Базарбаев. – Уларда қурилишда энг сўнгги замонавий технологиялардан самарали фойдаланилади. Лойиҳалар кўринишида, қурилиш материаллари ва уларни ишлатишда ҳам тафовутлар мавжуд. Шунингдек, қурилишлардаги талаб ва стандартлари ҳам бизникидан фарқ қилади. Бизда ҳозир дизайн, лойиҳачи ва энергетика бўйича мутахассисларга талаб жуда юқори.

Кадрлар етишмаслиги ҳам соҳа ривожига таъсир қилади, албатта. Аммо сўнгги икки йилда Ўзбекистон ҳам қурилиш борасида анчайин ривожланди. Агар шундай ҳаракат бўлса, биз ҳам яқин йилларда Европа билан рақобат қила оладиган даражага чиқамиз.

34 ёшли Дадахон Сапарбаев қурилиш соҳасида 15 йиллик тажрибага эга. У ҳам 2008 йилда Россия Федерациясига бориб, оддий қурувчи сифатида ишлаб бораётган. Қизиқувчанлиги, меҳнатсеварлиги сабаб иш жараёнида соҳа сир-асрорларини пухта ўрганиб боради. 2020 йилдан бошлаб “Новастрой” компаниясида иш юритувчи сифатида фаолият юритиб келмоқда. Дадахон Сапарбаев ҳозирги кунга қадар 20 дан ортиқ салобатли объектлар қурилишида қатнашган.

Улар орасида турли хил соғлиқни сақлаш, ижтимоий, савдо, кўнгличор, турар жой объектлари бор. Эътиборлиси, қаҳрамонимиз Санкт-Петербург шаҳрида баландлиги 462 метрни ташкил этадиган бино қурилишида ҳам ишлаган.

– Қурувчида, аввало, тасаввур қила олиш қобилияти бўлиши керак, – деди Дадахон Сапарбаев. – Яъни, қўлига бирон бир лойиҳа берилса, унинг битказилгандаги кўринишини кўз олдида келтира олиши лозим. Шунингдек, ҳар бир ишни бошлашдан аввал охири нима билан якун топилгани ҳам башорат қила олиши ва шунга яраша чора-тадбир кўриб қўйиши керак. Шу билан бирга, қурувчи соҳага оид билим ва тажрибалардан ташқари, ишонч ва қатъиятни ҳам ўзига касб қилиши керак. Бунёд этаётган объектнинг сифатли ва мустаҳкам бўлиши учун бу каби хислатлар керак бўлади.

Дўстликни олмоғга қиёс этишда, яъни олмос мустаҳкам ва топилиши қийин бўлган маъдандир. Қаҳрамонларимиз ҳам мусофирчиликда бирга яшаб, бирга ишлаб, дўстлик дея аталмиш “қимматбаҳо тош”ни сайқаллаб боришди. Ҳозирда ҳам битта қурилиш компаниясида биргаликда ишлаб келишяпти. Расулбек Базарбаев дўсти Дадахон Сапарбаев ҳақида жуда илқ гапларни айтди. Хусусан, оғир кунларда дўстнинг далда бўлганлари, руҳлантиргани ҳақида сўзлаб берди.

– 2018 йили оғир жудодик ўтди – онам қазо қилди, – деди овози титраб Дадахон Сапарбаев. – Ушанда анча пайт тушкун ҳолатда юрдим. Шу келгандан кейин дўстим менга далда бўлди. Ҳам маънан, ҳам моддий томонлама ўзининг холис ёрдамини аямасди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, Расулбек – яхши кунимда ҳам, ёмон кунимда ҳам ёнимда турадиган ақилдор инсон.

Ҳар бир ишни ҳамжихатлик, ҳамкорлик билан бир ёқадан бош чиқариб бажарган яхши, албатта. Битта компанияда бирдамликда фаолият олиб бораётган қаҳрамонларимиз қураётган бинолар ҳам дўстлигидек мустаҳкам бўлса, ажаб эмас.

САХОВАТПЕША БУНЁДКОР

Ҳамза ШУКУРОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қурилиш соҳасига ихтисослашган “Yangi hudud sayqali” МЧЖ Самарқанд туманининг Ғўлба маҳалласида ташкил этилган. Ишбилармон Далер Аҳмеджонов раҳбарлик қилаётган жамият ҳар йили катта ютуқларга эришиб келмоқда. Уларнинг ғайрати билан қисқа фурсатда минглаб самарқандликлар ўз уй-жойларига эга бўлишгани кувонарлидир.



Айтиш жоизки, аҳил жамоа сардори бу билан чеклаиб қолмоқчи эмас. Унинг таъсисчилигида фаолият кўрсатаётган фирмалар кўхна шаҳарнинг турли ҳудудларида

қатор қурилиш-бунёдкорлик ишларининг олдинги сафига борапти. Масалан, Рудакий кўчасида барпо этилаётган тўққиз қаватли йирик турар жой биноси кўпчиликнинг ҳавасини уйғотмоқда. Бу объект яқин кунларда фойдаланишга топширилиш арафасида. Бинокорлар бир йўла 185 нафар хонадон сохибига янги уйлар қалитларини топширишни мақсад қилишган.

Шаҳарнинг Кимёгарлар қўрғони ҳудудида ҳам кўплаб янги иншоотлар барпо этилиб, мавжудлари таъмирланган. Натияжада бу масканинг қиёфаси янада гўзаллашиб, аҳолига яратилаётган қулайликлар ошиб бормоқда. Айни пайтда жамоа аъзолари бу ерда ҳам уй-жой қурилиши билан шуғулланмоқда. Шунингдек, Чархин қўрғони ва Мотрид мавзасида ҳам шундай хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Бундан ташқари, “Yangi hudud sayqali” МЧЖ қурувчилари нафақат Самарқанд вилоятида, балки Тошкент шаҳрининг Сергели тумани ҳудудида ҳам муҳим объект қурилишини амалга оширмоқда. Айтиш кераки, бугун жамиятга қарашли фирмалар сони унга яқинлашиб қолган. Тошкентдаги қурилишга улардан бири сафарбар

этилган. Самарқандлик қурувчилар томонидан бу ерда ҳам кўп қаватли турар жой биносига асос солинмоқда. Мазкур қурилишга 60 нафар малакали ишчи жалб этилган. Қурилиш жараёнида сифатга эътибор қаратилаётганлиги туфайли меҳнат унми яққол сезилмоқда.

– Икониятлардан тўри фойдалана олган кишининг даромади ҳам ошиб бораверади, – деди жамият раҳбари Далер Аҳмеджонов. – Фойданинг маълум қисмини хонийлик ишларига ажратамиз. Масалан, яқинда “Саховат” ва “Муруват” уйларига 100 миллион сўмлик ёрдам кўрсатдик. Кам таъминланган оилаларнинг уйли-жойли бўлишига ҳам кўмак беряпти. Жорий йилда ҳам 16 та хонадонни ногиронлиги бор ва ночор оилалар учун ҳада этиш ниятида ҳокимлик ихтиёрига ажратдик.

Далер Аҳмеджонов таъсисчилигидаги корхоналарда меҳнат қилаётган Санжар Бектурдиев, Исмомил Бектурдиев, Ҳабиб Бурхонхонов, Шерзод Мардонов, Акрам Низонов, Фаррух Маҳмудов, Зоҳид Мамаризаев сингари қурувчилар оидларига катта мақсадлар турғалигини ҳис этган ҳолда иш суръатига қанот бағишламоқда. Бунёдкорларнинг келажақдаги режалари янада улкан. Улар яқин орада янгидан қад ростлаётган Қорасув массивида бериўла 19 та кўп қаватли уй-жой қурилишини бошлашга ҳозирлик кўришяпти.

– Ўзига хос шаҳарчага қиёсланадиган бу макон учун тажрибали меъмор, устозимиз Собир Тошев бошчилигидаги “UNIVER PRO STILE” МЧЖ жамоаси аjoyиб лойиҳа яратиб берганини таъкидлаш керак, – деди Далержон. – Фурсатдан фойдаланиб, юртимизда фаолият юритаётган барча қурилиш соҳаси ходимларини касб байрами билан муборакбод этамин.

КЕЛАЖАК МЕЪМОРЛАРИГА ҚУЛУҚ

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қайсидир китобда ўқигандим, ҳар кимнинг тақдирининг унинг туғилган ери, деган жумлани. Тақдирдан қочиб бўлмайди, унга сабр қилиш, турли синовларидан ўтиш керак, холос. Мен бунга кўп бора амин бўлдим.

Ўқишга кирган йилларим, кўпинча пулга эҳтиёжимиз бўларди. Шундай кезларда бир-икки эшларим билан мардикор бозорга чиқардик. Мен ҳаётини айни ўша ердан аниқлашга бошладим, десам адашмаган бўламан. Мардикор бозорда одамлар иш учун жон-жаҳди билан талашардики, кўрган киши ҳаётда қорин тўйдириш, оила боқиш шунчалик аянчлими, деган фикрга келарди. Сессияни ёпиб, 3-4 кунлик дам олиш баҳонасида яна мардикор бозорга чиқдим. Бу сафар шеригим йўқ эди. Бир бурчакда иш қўлиб турибман, талашшига, савдолашишга тажрибам ҳам, журъятим ҳам етмайди. Ҳамма ишлар бир пасда эгасини топар, қиш бўлгани учун одамлар арзимаган пулга ҳам рози эди. Менга эса кўпроқ бошқа нарса қизиқ эди. Шу мардикорлар ҳам, уларни ишга олиб кетадиган “такаббур” одамлар ҳам менинг Ватандошларим эди-да! Тўғри, бу билан ҳамма уларни камситарди, демоқчи эмасман. Аммо кўрганларимнинг кўпи шундай одамлар эди.

Хуллас, ўша кун иш чиқмади, аммо кетишга шайланиб турган пайтим ўрта ёшли киши мени машинага имлаб чақирди. Шериги йўқлиги учун ишга бирга боришни таклиф қилди. “Captiva” русумли машинада кетамиз, иш берувчи анча бой одам экан, яхши ҳақ тўласа керак, деб ўйладим ичимда. Манзилга келдик. Катта ҳовли қурилаётган экан. Уй эгаси бир неча кунлик иш борлигини айтди. Шеригим иккимиз хурсанд бўлиб кетдик. Уста амаки Россияда кўп йиллар ишлаган моҳир қурувчи экан. Уй эгаси ошхона ва ҳаммомга кафель теришимизни айтди. Пулини келишгач, ишга киришдик. Уста шунчалик тез ишлардики, ёрдамчилик қиламан деб чарчаб кетдим. Лекин ҳаёлимда “Қанча тез иш қилсак, шунча кўп пул оламиз” деган фикр ҳам бор. У киши қишда иш йўқлигини, Россияга қайтишга озроқ пул йиғиши кераклигини, фарзандларига қишки кийим олиб бериш зарурлигини тинмай гапирарди. Кичкина ўғли 10 ёшли Асадбекнинг оёқ

кийимидан сув ўтаётган экан. У телефонда “Дада, камбағал тешик ковуш кияди, деб қулишяпти. Биз камбағалмизми? Инглиз тили китоб олиб берганингизда бундай китоб ҳеч қимда йўқ, ўғлим, энди бой бўлдинг, дегандиз. Менга янги этик олиб беринг, ҳеч қимда йўқидан бўлсин, яна бой бўлайлик”, деди. Отаси эса:

– Уғлим, кутиб тургин, аянгни айтганини қилсанг, икки-уч кунда бой бўламиз, – дея олди холос.

Кўзимнинг чапидан ўнгига олиб қочаётган бир томчи ёш барибир қуйилиб тушди.

Мен буларни қандай эшитиб қолдим, деб ўйлайсиз-ми? Сабаби, шеригим энг оддий, ойнаси синикларга тўла гишт телефон ишлатарди. Уни баланд овозга қўймаса, эшитиб бўлмасди. Карнайи ишдан чиққан экан, олдинги кун телефонини очиб, у ер-бу ерини тазалаб кўргандим, бўлмади. Шу-шу, бу оғрикли сўхбатни истаб-истамай эшитиб қолгандим. Шеригим ич-ичидан зил кетса ҳам сездирмади. Балки, олдимда ўзини хижолатли ҳис қилгандир. “Тезроқ шу ишни тугатайлик”, деди холос. Шундан сўнг, мен ҳам жон-жаҳдимни бериб ишладим. Уч кун икки хонани кафель, битта хонани цементли пардоз қилдик, ёзги ошхона ўчоқларига гишт териб, уй эгасини кута бошладик.

Кимнидир етаклаб келган уй эгаси ишларимиз-

ни текшириб, ҳамма жойидан камчилик топишга уринарди. Охири битта камчилик топди. Биз ишни жуда тез қилибмиз, демак жуда сифатсиз чиққан... Кутилмаганда ҳовли эгаси бақириб кетди:

– Шунча материални исроф қилибсанлар, бир тилин ҳам бермайман. Қайтага, мендан қарздор бўлиб қолдиларинг, майли, сенларга шундай рухсат бераман, кетишларинг мумкин, – деди.

“Узи уч кунга деб қотган ноннинг пулини бериб, бир марта ҳам хабар олмадинг”, дегим келди. Аммо индамидим... Уша дам дунёнинг энг ифлос жойида тургандай ҳис қилдим ўзимни. Шеригим кийимларини олиб, ҳеч нарса демай кетишга шайланди. Жанжал кўтаришини ҳам кутмагандим. Чунки мард одам эди. Мен ҳам унинг ортидан эргашдим. Аммо уй эгаси ҳаммаёқни “уборка” қилмасдан кетмаслигини айтди. Шеригим эътироз билдирмади, фақат хайрлашиш учун сўнгги дам бироз тикилиб турди-да:

– Яхши ўқи, – деди.

Мен бу қиёфани умрбод эслаб қолдим. Уста бува дебман-у, аммо ҳеч исмини сўрамабман. У кетди. Мен эса танам оғирлашиб, нафрат билан уйни йиғиштира бошладим. Ишимни тугатгач, уй эгаси мени чақириб шундай деди:

– Атайин у мардикорни жўнатиб юбордим сенга

кўпроқ пул бўлсин, деб. Мана ол, 200 минг! Қўшиб бердим, рози бўл...

Мен у пулни олмадим. Чунки мени ҳам пасткаш, ўз фойдасига иш қўрувчи, ўзига ўхшаган инсон деб билганини кечира олмадим. Янаям, бу пул биз қилган иш олдида сарик чақалгини уста бўлмасам ҳам яхши билардим. Уша кун амаллаб уйга қайтдим. Оғайини квартираддан тақсига пул чиқариб берди. Ҳа, уста амаки ҳам, ўғли ҳам, мен ҳам бой бўлолмадик...

Шундан сўнг мардикор бозорга қадам босмадим. Уша устани қайта учратмадим ҳам. Айтганимдек, на исмини, на расмини, на телефон рақамини олганман. Аммо у мен учун дунёдаги энг яхши қурувчи бўлиб қолаверади.

Бугун мен айнан шундай инсонларни, қурувчиларни ёдга олмақчиман. Исмини, суратини, ўзини танимасам-да, қаерлардадир қурувчилик қилаётган оддийгина бунёдкорларни касб байрами билан табриклайман. Ҳалол ишлаб, нон топиб, фарзандларини ўқитиб, Ватан хизматига ҳозирлаган келажак меъморларига чин қалбимдан қуллук қилман. Йилда бир бор янги кийим олиши номаълум, кам-сукуминга юрсада оиласини пешона тери билан боқадиган асл қурувчиларимиз хамиша соғ-саломат бўлсинлар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ШАҲАРУ ҚИШЛОҚЛАРИМИЗГА
ЎЗГАЧА КЎРК БАҒИШЛАШГА БЕЛ
БОҒЛАГАН БАРЧА ҚУРИЛИШ
СОҲАСИ ХОДИМЛАРИНИ
БУГУНГИ **КАСБ БАЙРАМИ** БИЛАН
ТАБРИКЛАЙМИЗ!



ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

ТЎЙ ВА ТАНТАНАЛАР ЯРАШГАН ГЎЗАЛ
ЮРТИМИЗДА БУГУН ЯНА БИР ШОДИЁНА –

ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

НИШОНЛАНМОҚДА.

БАРЧА БУНЁДКОР ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!

АЗМУ ШИЖОАТИНГИЗГА АСЛО
КЎЗ ТЕГМАСИН.




АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ
ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

КАСБ БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Қурилиш соҳаси
ходимлари кун
билан барча
лойиҳачи, қурувчи ва
меъморларни
самимий қутлаймиз!

Янги Ўзбекистонимиз
тараққиёти ва равнақи
учун фаолият олиб
боришда ҳамisha
бардавом бўлинг.

ОСМОНЎПАР, ШИНАМ ВА
ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАР
ЯРАТУВЧИЛАРИГА
БУГУНГИ
КАСБ БАЙРАМИ
МУБОРАК
БЎЛСИН!



БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ
ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

**ОНА ВАТАНИМИЗ КЎРКИГА КЎРК ҚЎШАЁТГАН
БАРЧА БУНЁДКОРЛАРНИ
КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!
ЮРТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА МЕХНАТ ҚИЛИШДАН
ҲЕЧ ТОЛМАНГ!**



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

МАМЛАКАТИМИЗ
ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА
БЕМИННАТ ХИЗМАТ
ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАН
ҚУРИЛИШ СОҲАСИ
ХОДИМЛАРИНИ
**КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН
ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

ҲУДУДЛАР КЎРКАМЛИГИ
ВА ЮРТ РИВОЖИ УЧУН
ИШЛАШДАН
ЧАРЧАМАНГ!





ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ
БУГУНГИ ҚИЁФАСИНИ
ЯРАТИШДЕК МАСЪУЛИЯТЛИ
ВАЗИФАНИ БАЖАРИБ КЕЛАЁТГАН
СИЗ, ҚАДРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИГА
БУГУНГИ АЙЁМ –

ҚУРИЛИШ СОҶАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

МУБОРАК БЎЛСИН.

ИШЛАРИНГИЗГА МУВАФФАҚИЯТ,
ХОНАДОНИНГИЗГА ТИНЧЛИК-
ТОТУВЛИК, ЎЗИНГИЗГА
САЛОМАТЛИК ТИЛАЙМИЗ.



|| “ТАШГИПРОГОР” АЖ



БЕТАКРОР ЮРТИМИЗ ЖАМОЛИНИ
ДУНЁГА КЎЗ-КЎЗ ЭТУВЧИ САЛОБАТЛИ
ИНШОТЛАР БУНЁДКОРЛАРИГА КАСБ
БАЙРАМИ МУБОРАК БЎЛСИН.

ҒАЙРАТУ ШИЖОАТИНГИЗГА ҲЕЧ ҚАЧОН
КЎЗ ТЕГМАСИН!

**КАСБ БАЙРАМИ
МУБОРАК!**



**ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИНГ БАРЧА ИШЧИ-ХОДИМЛАРИ,
ФИДОЙИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИ КАСБ АЙЁМИ
БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.**



**Байрамингиз муборак бўлсин,
азиз ҳамкасблар!**



«ЎЗШАҲАРСОЗЛИК ЛИТИ» давлат унитар корхонаси жамоаси

МАҲОРАТЛИ МЕЪМОРЛАР, МАЛАКАЛИ
АРХИТЕКТОР ВА БАРЧА ҚУРИЛИШ СОҲАСИ
ХОДИМЛАРИГА БУГУНГИ АЙЁМ –

ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

МУБОРАК БЎЛСИН.

КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНГИЗГА ОМАД, ОИЛАНГИЗГА ТОТУВЛИК,
ЎЗИНГИЗГА САЛОМАТЛИК ТИЛАЙМИЗ!



📍 100011, Тошкент шаҳри, Навоий 18-уй.

✉ info@shaharsozlik.uz

🌐 shaharsozlik.uz



UZACE

ASSOCIATION OF CONSULTING
ENGINEERS OF UZBEKISTAN

Ўзбекистон муҳандислар-
консультантлар уюшмаси
**ҚУРИЛИШ СОҲАСИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ**
билан юртимиздаги барча
лойиҳачи, қурувчи ва
меъморларни
самимий қутлайди.

Янги Ўзбекистонимиз
тараққиёти ва равнақи йўлида
олиб бораётган бунёдкорлик
фаолиятингизда ҳамиша
зафарлар ёр бўлсин!



☎ +998 99 444 77 66

🌐 uzace.uz



Қўли гул,
азму шижоати
баланд
қурувчилару
маҳоратли
меъморлар.
Бугунги
касб байрамингиз
муборак бўлсин!

БИЛИМ ВА
ТАЖРИБАНГИЗ, КУЧ ВА
ИМКОНЯТИНГИЗНИ
АЯМАСДАН ХАЛҚИМИЗ
УЧУН МУСТАҲҚАМ
ИНШООТЛАР БАРПО
ЭТИШИНГИЗДА УЛКАН
ОМАДЛАР ТИЛАЙМИЗ.



**БАЙРАМ
МУБОРАК**

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ХУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИДА ХУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ИНСПЕКЦИЯСИ**



**ҚАДДИЮ ҚАДРИ БАЛАНД
ҚУРУВЧИЛАРУ МЕЪМОРЛАРНИ
ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ
БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

ДУНЁГА
ЮЗ ТУТАЁТГАН
АЗИЗ ДИЁРИМИЗ
БУНЁДКОРЛАРИГА
ҚУРИЛИШ СОҲАСИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ
ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

МАШАҚҚАТЛИ, АММО ШАРАФЛИ КАСБИНГИЗ
ТУФАЙЛИ ЮЗИНГИЗ ЁРУҒ ВА
ҚАДДИНГИЗ БАЛАНД БЎЛАВЕРСИН.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ “SXF SAMARQAND CITY STROY”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИАТИ

Жонажон Ватанимиз
ободлиги йўлида
технат қилаётган
барча қурилиш соҳаси
ходимларига
касб байрами
муबारак бўлсин!

Саломатлик, оилавий
бахт ва хотиржамлик
доимий хатроҳингиз
бўлишини тилаймиз.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ “UNIVER PRO STILE” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИАТИ

АЗИЗ ВА ГЎЗАЛ ЮРТИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИНИ
БУГУНГИ КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ.

ШАРАФЛИ КАСБИНГИЗДА УЛКАН ЗАФАР
ВА ОМАД ЁР БЎЛСИН!



«ЎЗБЕКИСТОН БУНЫОДКОРИ» GAZETASIGA
OBUNA BO'LING VA QURILISH SOHASIDAGI
YANGILIKLARDAN BO'XABAR BO'LIB BORING!

Obuna indeksi **466**

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

**МАФТУНКОР ЮРТИМИЗНИНГ КЎРКАМ
ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШДЕК ШАРАФЛИ
ВАЗИФАНИ МАТОНАТ БИЛАН АДО ЭТИБ
КЕЛАЁТГАН БАРЧА БУНЁДКОРЛАРГА
БАЙРАМ МУБОРАК БЎЛСИН.**

**ДОИМО МЕҲНАТИНГИЗНИНГ РОҲАТИНИ
КЎРИБ ЮРИНГ, ҚАДРЛИ ҚУРУВЧИЛАР!**



Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

“Ko’chmas mulk xizmatlarini ko’rsatish jamiyati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“Ko’chmas mulk xizmatlarini ko’rsatish jamiyati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига “Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ-нинг 2023 йил 8 августдаги 96-сонли буюртма-номасига асосан, “Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган 95-дўкон **умумий майдо-ни** – 12,0 квадрат метрдан иборат бўлган, Миллий кийимлар савдо шохобчаси танловга қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 20 000 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилишнинг охири мuddати 2023 йил 12 сентябрь кунини соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2023 йил 13 сентябрь кунини соат 11.00 дан бошлаб қўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу кунини бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 28 сентябрь, 12, 26 октябрь, 9, 23 ноябрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этишади:

- **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- **жисмоний шахслар** – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 15 фозидан кам бўлмаган миқдордаги суммани зақалат сифатида “Ko’chmas mulk xizmatlarini ko’rsatish jamiyati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 5053 3172 3021 ХАТБ “ДАВР БАНК” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 308 112 732.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кунини ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-91.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога “LOMBARD SVETLANA-KREDIT” МЧЖнинг 2023 йил 8 августдаги 49-сонли ариза буюртма-номаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2023 йил 25 февраль, 28 апрель, 8 июлдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиясозлар-2, 41-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари аукцион савдосига қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	10035	Цепь порв., спут., 585 пр., о/в 2,07 гр.; серъги с з.к. (1 сер. слом.) 585 пр., о/в 6,82 гр.; кольцо с з.к., 585 пр., о/в 3,49 гр.; кольцо с брил., 1,50 мм - 1 шт., 585 пр., о/в 4,94 гр.	6 497 930,00
2.	7338	Серъги, 585 пр., о/в 6,85 гр.	2 887 053,76
3.	7699	Кольцо (бел. кам.) погн., 585 пр., о/в 2,10 гр.	1 022 119,00
4.	7737	Серъги с б.к., 585 пр., о/в 4,63 гр.	1 546 909,00
5.	7942	Кулоң, 585 пр., о/в 3,24 гр.	1 513 579,00
6.	7953	Кольцо б.к., 585 пр., о/в 2,37 гр.; кольцо б.к., 585 пр., о/в 1,50 гр.	1 701 873,30
7.	8044	Серъги (бел. кам.), 585 пр., о/в 3,26 гр.	1 470 856,00
8.	8160	Цепь 585 пр., о/в 8,31 гр.; серъги с б.к., 585 пр., о/в 4,37 гр.; кольцо с б.к. (погн.), 585 пр., о/в 3,79 гр.	7 361 479,00
9.	8225	Серъги с бел. кам., 585 пр., о/в 4,07 гр.; серъга погн. деф. 1 шт., 585 пр., о/в 1,39 гр.	2 361 979,00
10.	8241	Кольцо, 585 пр., о/в 3,10 гр.	1 604 479,00
11.	8284	Серъги с бел. кам., 585 пр., о/в 3,80 гр.; кольцо с бел. кам. пр. 3 кам. нет, 585 пр., о/в 3,31 гр.	3 119 479,00
12.	8366	Кольцо с бел. кам. 585 пр., о/в 3,21 гр.; серъга (1 шт.) с бел. кам., 585 пр., о/в 2,62 гр.	2 407 429,00
13.	8374	Браслет, 585 пр., о/в 6,12 гр.; кольцо с б.к., 585 пр., о/в 2,72 гр.; кольцо с биркой, 585 пр., о/в 2,66 гр.; кольцо с биркой и с б.к., 585 пр., о/в 2,20 гр.; кольцо с биркой, 585 пр., о/в 2,23 гр.; серъги с биркой с б.к., 585 пр., о/в 6,07 гр.; кольцо с б.к. и биркой, 585 пр., о/в 3,43 гр.	10 482 380,00
14.	8378	Серъги с гол. кам., 585 пр., о/в 4,51 гр.	2 165 029,00
15.	8435	Серъги с красн. кам., 585 пр., о/в 5,14 гр.	1 604 479,00
16.	8524	Кольцо с бел. кам. (погн.), 585 пр., о/в 1,83 гр.; кольцо с бел. кам. (погн.), 585 пр., о/в 2,22 гр.	1 801 429,00
17.	8627	Серъги с бел. и роз. кам., 585 пр., о/в 1,53 гр.; кольцо с бел. и зел. кам., 585 пр., о/в 3,93 гр.; кольцо с бел. кам. 1-го кам. нет, 585 пр., о/в 2,26 гр.	2 513 479,00
18.	8644	Кольцо с бел. кам., 585 пр., о/в 3,54 гр.	1 240 879,00
19.	8701	Цепь штамп. погн., 585 пр., о/в 9,87 гр.; серъги, 585 пр., о/в 1,61 гр.	4 964 864,14
20.	8718	Серъги, 585 пр., о/в 2,88 гр.; браслет с разноцветной эмалью, 585 пр., о/в 3,02 гр.	2 574 079,00
21.	8824	Кольцо обруч., 585 пр., о/в 4,72 гр.; кольцо кам. нет, 585 пр., о/в 2,76 гр.	3 375 211,00
22.	8851	Кольцо (бел. кам.) погн., 585 пр., о/в 2,11 гр.; серъги (бел. кам.), 585 пр., о/в 6,00 гр.	3 619 429,00
23.	8899	Кольцо с бел. кам. и жемч., 585 пр., о/в 4,50 гр.	1 589 329,00
24.	9008	Кольцо (бел. кам.), 585 пр., о/в 3,49 гр.	953 029,00
25.	9018	Кольцо, 585 пр., о/в 1,29 гр.; кольцо паян., 585 пр., о/в 1,13 гр.	1 225 729,00
26.	9051	Серъги (1 сер. уш. не раб.), 585 пр., о/в 5,21 гр.; серъги деф., 585 пр., о/в 1,81 гр.; серъги з.к. и б.к. погн., 585 пр., о/в 5,87 гр.; кольцо погн. с сирен. к., 585 пр., о/в 5,19 гр.; перстень с б.к., 585 пр., о/в 4,99 гр.; кольцо с б.к. погн. паян., 585 пр., о/в 3,24 гр.; кольцо с б.к. (2-х кам. нет) погн. паян., 585 пр., о/в 3,26 гр.; кольцо с б.к., 585 пр., о/в 3,11 гр.	13 504 501,00
27.	9083	Браслет (бел. кам.), 585 пр., о/в 14,45 гр.; цепь с биркой 585 пр., о/в 6,37 гр.; цепь, 585 пр., о/в 2,77 гр.; кольцо (погн.), 585 пр., о/в 3,56 гр.; кольцо, 585 пр., о/в 3,27 гр.	13 661 152,00
28.	7149	Кольцо (погн.), 585 пр., о/в 5,96 гр.	2 967 979,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
29.	7474	Цепь, 585 пр., о/в 20,15 гр.	9 179 479,00
30.	9277	Серъги (бел. кам.), 585 пр., о/в 5,27 гр.; кольцо (бел. кам.), 585 пр., о/в 2,91 гр.; кольцо (бел. и кор. кам.), 585 пр., о/в 2,52 гр.; кольцо (бел. кам.), 585 пр., о/в 2,48 гр.; кольцо (бел. кам.), 585 пр., о/в 3,34 гр.	7 331 180,00
31.	9224	Цепь деф., 585 пр., о/в 8,41 гр.; цепь, 585 пр., о/в 7,25 гр.; кольцо обруч., 585 пр., о/в 8,77 гр.	10 771 108,00
32.	9351	Кольцо обруч., 585 пр., о/в 2,78 гр.	1 455 979,00
33.	9358	Цепь, 585 пр., о/в 16,98 гр.; серъги, 585 пр., о/в 4,80 гр.; кольцо, 585 пр., о/в 3,36 гр.	12 363 980,00
34.	9372	Серъги с брил., 3,00 мм - 2 шт., 2,00 мм - 16 шт., 1,00 мм - 48 шт., 585 пр., о/в 8,33 гр.; кольцо с брил., 3,00 мм - 1 шт., 2,00 мм - 8 шт., 1,00 мм - 24 шт., 585 пр., о/в 4,90 гр.	6 546 379,00
35.	9391	Кольцо с черн. жемч. и бел. кам., 585 пр., о/в 3,71 гр.; серъги с черн. жемч. и бел. кам., 585 пр., о/в 6,16 гр.	1 668 079,00
36.	9579	Серъги с бел. и зел. кам. деф., 585 пр., о/в 6,38 гр.	2 319 529,00
37.	9688	Кольцо (бел. и зел. кам.), 585 пр., о/в 3,52 гр.	1 365 079,00
38.	9706	Серъги с б.к., 585 пр., о/в 2,77 гр.; кольцо с б.к., 585 пр., о/в 1,16 гр.	1 758 676,00
39.	9800	Кольцо 585 пр., о/в 1,61 гр.	880 279,00
40.	9893	Кольцо с бел. кам., 585 пр., о/в 2,61 гр.	1 243 879,00
41.	9999	Кольцо, 585 пр., о/в 2,11 гр.	1 122 679,00
42.	10022	Кольцо обруч., 585 пр., о/в 4,62 гр.	2 228 629,00
43.	38	Кольцо пор., 585 пр., о/в 11,71 гр.	5 804 029,00
44.	72	Цепь, 585 пр., о/в 6,32 гр.	3 183 079,00
45.	133	Цепь, 585 пр., о/в 9,20 гр.	3 122 479,00
46.	262	Кольцо обруч. пр., 585 пр., о/в 2,51 гр.; кольцо с бел. кам., 585 пр., о/в 2,13 гр.	2 213 479,00
47.	367	Кольцо 585 пр., о/в 2,43 гр.	1 274 179,00
48.	535	Цепь 585 пр., о/в 2,32 гр.; серъги (зел. кам.), 585 пр., о/в 4,01 гр.	2 819 479,00
49.	550	Серъги б.к. (1 сер. трес.), 585 пр., о/в 4,00 гр.; кольцо, б.к. 585 пр., о/в 1,86 гр.	2 758 879,00
50.	673	Цепь 585 пр., о/в 3,05 гр.	1 668 079,00
51.	716	Серъги 585 пр., о/в 4,18 гр.; серъги с б.к. (2-х кам. нет), 585 пр., о/в 4,92 гр.; кольцо с б.к., 585 пр., о/в 3,26 гр.	5 243 479,00
52.	726	Кольцо обруч. пр., 585 пр., о/в 1,41 гр.	774 229,00
53.	799	Кольцо с б.к. пр., 585 пр., о/в 3,64 гр.	1 546 879,00
Жами бошланғич баҳоси			192 381 345,26

Аукцион савдолар 2023 йил 12 сентябрь кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2023 йил 8 сентябрь кунини соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари 2023 йил 12 сентябрь кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш кунини олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо қолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фозидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиалида қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-96.
Расмий веб-сайт: www.rmm.uz

001805 рақамли гувоҳнома.

МАЛАКАЛИ БИНОКОРЛАР эртанги кунимизнинг муносиб эгаларидир

Райхона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Жадаллик билан ривожланиб бораётган қурилиш соҳасида бугун малакали мутахассисларга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Шу боис, ўз касбининг ҳақиқий усталари, асл қурувчилар ҳамма жойда қадрли ва ҳар жойда керак. Мақоламиз қаҳрамонини ҳам қурилиш соҳасининг ҳақиқий жонқуяри, умидли вакили десак, муболага бўлмайди. Боиси, юртимиздаги энг йирик қурилиш корхонасидан бирида маъсулиятли вазифани бажариш ҳар кимга ҳам ишониб топширилавермайди.

"12-трест" акциядорлик жамиятининг 52-қурилиш бошқармаси бошлиғи Аббос Қодирий 1984 йилда Тошкентда туғилган. Оиладаги беш нафар фарзанддан биргина у болалигиданоқ қурилиш соҳасига қизиқиб катта бўлди. Бу қизиқиш улғайган сари қатъий мақсадга айланиб, у Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг сув ҳўжалиги факультетига ўқишга кирди. Ивланувчан талаба олийгоҳдаги ўқиши давомида ўзидаги ғайрат-шижоат ва интилувчанликни намойиш этиб, нафақат тенгдошлари, балки устозларининг ҳам ишончини қозонди. Айниқса, амалиёт жараёнида бевосита гувоҳ бўлгани – қурилиш объектларидаги қизгин иш палласи ва қурувчиларнинг фидокорлиги унда танлаган касбига бўлган меҳрни янада оширди.

2009 йилда институтни битирган Аббос Қодирий диплом қўлига тегиши билан "12-трест"га ишга келади. Қурилиш соҳасидаги илк фаолиятини дурадгорликдан бошлаган қаҳрамонимиз малакаси ошиб бормаган сари мастер ёрданчи, мастер, прораб, катта прораб, участка бошлиғи, бош муҳандис вазибаларига кўтарилди. Шу йилнинг февраль ойидан буён 52-қурилиш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. Жамоа фаолияти асосан биноларни пардозлашдан иборат. Бу борада улар энг замонавий усуллар ва сифатли маҳсулотлардан унумли фойдаланишдади. Шу боис, уларнинг хизматига талабдорлар етарлича. Ҳозирги кунда 250 нафар қурувчи меҳнат қилаётган 52-қурилиш бошқармасида иш ҳажми ортан пайтда 700-800 нафаргача ишчи-хизматчи фаолият юритади.

– Институтни битиришимда диплом ишим сув омборлари қурилиши, котлован, умуман, қурилиш мавзусида бўлгани учун бу соҳага қизиқишим янада ортан, – деди Аббос Қодирий биз билан суҳбатда. – Шу боис, диплом қўлимга тегиши билан ишга шошганман. Илк объектларим – Ўзбекистон кучаси чорраҳасидаги Медиа марказ, Турин политехника институти, Мустақиллик майдонидаги "Монетный двор", "Бунёдкор" стадиони қурилишида дурадгор сифатида ишлаганман. Сўнгра, Халқаро Вестминстер университети учун янги корпуслар қурилиши бошла-

дик. Ушбу объектда мастер бўлсамда, прораб вазибаларини бажарганман. Шунингдек, Президент академияси, Навоий давлат кўнчилиқ институти, Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий театри, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонаси, Тошкент аэропортининг биринчи терминали, Банк ассоциацияси, Марказий банк, Самарқанддаги Ислоом Каримов мақбараси, Қарши шаҳридаги биринчи Президентимиз ҳайкали қурилишида маъсулиятли вазибаларини бажардик.

Юқоридаги объектлардан ташқари, унинг жамоаси Тошкентдаги ҳарбий техникум, ҳарбий госпитали, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи вазибаларини, Ўзбекистон давлат консерваториясининг янги биноси реконструкцияси, "Галаба боғи" каби яна кўплаб лойиҳаларни амалга оширишда муносиб иштирок этди. Аббос Қодирий бошчилигидаги қурувчилар жамоаси айна пайтда Ислоом цивилизацияси маркази, Мудофаа вазибаларини госпитали, Ташқи ишлар вазибаларини, Вазибалар Маҳкама-си, Хоразм вилоятида Ал-Хоразмий шаҳарчаси каби бир қатор йирик объектларда қурилиш ишларини олиб бормоқда.

Ҳар бир ишни пухта ва ўз вақтида амалга оширадиган инсоннинг йўли ҳам доим очик бўлади. Самарқанддаги Ислоом Каримов мақбараси қурилиши жараёнида Аббос Қодирий прорабликдан бош муҳандис лавозимига кўтарилди. Кейинроқ эса бошқарма бошлиғи лавозимига лойиқ топилди. Бу ютуқлар унинг шу кунга қадар қурилиш жараёнида кўрсатган меҳнатининг натижасидир. Қолаверса, унинг соҳадаги хизматлари давлатимиз миқёсида ҳам муносиб баҳоланиб, 2021 йил Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиғи арафасида "Социк хизматлари учун" медали билан тақдирланган.

Маълумки, ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчиликлари, мураккаб томонлари бўлади. Хусусан, қурилиш соҳасининг ҳам. Баъзан инсон ҳамма нарсадан зерикади, хаттоки севган касбидан ҳам. Қаҳрамонимиздан бу ҳақда сўраганимизда, бироз ўйланиб турдида, шундай жавоб берди:

– Қурилиш соҳасида "кейинроқ қилсам ҳам бўлади" ёки "кутиб туради" деган тушунчанинг ўзи йўқ. Ҳар битта объектни қуриб битказиш муддати аниқ белгилаб қўйилган бўлади. Шунинг ҳисобига биз қурувчилар шанба-акшанба, тўй-маърака каби яхши кунлардан кўпинча қолиб кетамиз. Истаган пайтимиз яқинлар даврасида, уларнинг ёнида бўлолмаймиз. Шундай пайтларда бошқа соҳани танласам бўлар экан, деб ўйлаб қоламан баъзан. Аммо барибир, ишимни, касбимни яхши кўраман. Бизга ишониб топширилган вазибалар кўнгилдагидек битирганимда, қилаётган ишимдан завқланаман. Шу боис, бу йўлда учрайдиган майда қийинчиликларга эътибор бермасликка одатланганман.

Аббоснинг қурилиш соҳасини мукамал эгаллашида устозлари Олим Баннопов, Алишер Хуррамов, Қилич Исмоилов, Ҳурмат Уразаевнинг ўнгилари асқатган бўлса, бугунги кунда маҳоратли мутахассиснинг ўзи ҳам устоз сифатида кўплаб шогирдларга касб сирларини ўргатиб келмоқда. Улардан Шухрат Жалилов, Ҳожиакбар Туропов, Фахриддин Нейматов, Фуқрат Негматов, Журъат Назаров каби ёш кадрлар бугун юртимиз қурилиш тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бугун қурилиш индустрияси кун сайин эмас, балки соат сайин ривожланмоқда. Соҳага янгидан-янги услуб ва технологиялар кириб келгани

боис, ҳозирги кун қурувчисидан ҳам шунга мос равишда ривожланиш талаб этилади. Бу борада Аббос Қодирийнинг ҳам эндигина соҳага қадм қўяётган ёшларга айтадиган ўз сўзи бор:

– Ёш кадрларга тавсияларим шуки, имкон қадар кўпроқ ўқишин. ШНҚ ҚМҚ Шаҳарсозлик кодексини пухта ўзлаштиришин. Бундан ташқари, лойиҳалар билан яхши танишиб, ўрганиб, сўнгра ишга киришса, қурилиш жараёнида қийинчиликка дуч келмайди. Ўзига ишончи ортади. Ҳозир замон шиддат билан ривожланмоқда. Қоғозбозлик камайиб, лойиҳалар ҳам компютерда электрон тарзда яратилмоқда. Шунинг учун ёш мутахассислар ҳам соҳага оид дастурларни пухта ўзлаштириши лозим. Бундан ташқари, бўлажак қурувчи албатта, ўқиш жараёни билан биргалликда объектда ҳам бўлиши, лойиҳаларни ўз кўзи билан кўриши, унда бевосита иштирок этиши керак. Қурилиш шундай соҳаки, хонада ўтириб уни амалга ошириш мушкул. Объектга бориб, қурилишнинг тепасида турибгина яхши қурувчи бўлиб етишиши мумкин. Фарзандларим хали ёш, аммо қайси бири келажакда қурилиш соҳасини танласа, унга ҳам бор билимимни ўргатишдан, йўл-йўриқ кўрсатишдан чарчамайман.

Иш бор жойда хато ҳам бўлади, деганларидек, бугунги қурилиш соҳасини ҳам камчиликлардан холи, деб бўлмайди, албатта. Бугун уй-жойга талаб аввалгидан анча кучайган. Бунинг устига, аслида қурувчи бўлмаса ҳам корхона очиб, рухсатнома олиб, уй қураётган тадбиркорлар ҳам учраб турибди. Малакали мутахассислар етишмаслиғи сабаб қурилиш соҳасига янги кириб келган ёки амаллаб институтни битирган тажрибасиз ходимлар ҳам ишга олинмоқда. Шу тўғрисида баъзи камчиликлар кузатиляпти. Албатта, ҳар бир объект қурилишидан олдин унга мос лойиҳа яратилади. Қурувчи ана шу лойиҳа асосида ишни ташкил қилса, ундан четга чиқмаса, у курган иншоот шунчалик сифатли ва муштажам бўлади.

Қаҳрамонимиз билан суҳбатлашиб шунга амин бўлдикки, юртимиз қурилиш соҳаси у каби ишончли мутахассислар қўлида экан, жонажон Ватанимиз гуллаб-яшнашда, ривожланишда давом этаверадди. Зеро, уни тараққиёт эттиришга ҳисса қўшаётган, шу юрт учун содик хизмат қилаётган малакали қурувчилар эртанги кунимизнинг муносиб эгаларидир.



Универсал спорт мажмуаси Андижон кўркига кўрк қўшади



Зухриддин УМУРЗОҚОВ (ЎзА) олган суратлар.

Андижон шаҳридаги Юсуф Отабеков кўчасида замонавий, ўзига хос лойиҳа асосида Универсал спорт мажмуаси қад ростламоқда.

Спортнинг бир неча турлари билан шугулланиш, спорт мусобақалари ўтказиш имконини берувчи мажмур спорт мажмуаси Андижон шаҳридаги "Хон" маъсулиятли чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилмоқда.

Мамлакатимизда келгуси 2024 йилда футзал бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионати гуруҳ ўйинларининг бир қисми айнан мажмур мажмуада ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Шу боис, қурилиш ишлари, қолаверса, бу ерда яратиладиган қулайликлар, шароитлар жаҳон стандартлари талаблари даражасида бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Қурилиш ишлари 2017 йил декабрь ойида бошланган, – деди қурилиш ташкилоти раҳбари Муҳторжон Халилов ЎзА мухбири Фахриддин Убайдуллаевага. – Босқичма-босқич яқунлини кўзда

тутилган объект жорий йилда фойдаланишга топширилади. Айни кунларда пардозлар ишлари олиб борилмоқда.

"Хон" маъсулиятли чекланган жамияти қурилиш соҳасида катта ва кўп йиллик тажрибага эга мамлакатимиздаги етакчи қурилиш ташкилотлардан бири ҳисобланади. Жамият қурувчилари томонидан бугунги кунга қадар вилоятдаги кўплаб боғча, мактаблар, турар жой бинолари, савдо, хизмат кўрсатиш иншоотлари ҳамда ижтимоий соҳа объектлари барпо этилиб, фойдаланишга топширилган.

Умумий лойиҳа қиймати 351,3 миллион сўмдан иборат Универсал спорт мажмуасининг умумий майдони 6,3 гектарни ташкил этади. Мажмуада 4 минг томошабинга мўлжалланган 96Х74 метр ҳажмдаги стадион, спорт зали, бассейн, спортчилар учун кийиниш-ечиниш, юви-

ниш хоналари, кафе, ресторан мавжуд. Спорт билан шугулланувчилар ҳамда меҳмонлар учун зарур барча шароитлар яратилади. Спорт залида волейбол, баскетбол сингари спортнинг қатор турлари билан шугулланиш мумкин бўлади.

Мажмуа қурилишида асосан, юртимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланилди. Мажмуада футзал бўйича жаҳон чемпионати ўйинлари ўтказилиши ҳисобга олинди, объект лойиҳасига қўшимчалар киритилди. Яъни мажмуа ҳудудида 9 қаватли 120 ўринли жаҳон стандартларига жавоб берадиган меҳмонхона қурилиши бошланди.

– Айни кунда 50 нафарга яқин мутахассислар пардозлаш ишлари билан банд, – деди "Хон" МЧЖ иш юритувчиси Ўткирбек Эргашев. – Бундан ташқари, яна бир гуруҳ қурувчиларимиз меҳмонхона учун ер майдонини тайёрлаш, бетон қуйиш ишларини олиб бормоқда. Насиб этса мажмуа қурилишини белгиланган муддатда, сифатли яқунлаймиз. Ўзига хос кўрнинишга эга бўлган ушбу иншоот Андижоннинг кўркига кўрк қўшади.

Фарғонада соғломлаштириш масканлари кўпаймоқда

Юртимизнинг табиати ўзига хос, хушхаво манзилларидан саналган Фарғона вилоятида санаторий ва шифо масканлари бисёр. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг январь-май ойларида 2 минг нафарга яқин чет эл фуқароси даволаниш мақсадида Фарғона вилоятига ташриф буюрган. Сайёҳлардан 72 фоизи Қирғизистон Республикаси фуқаролари ҳиссасига тўғри келади.



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Фарғона тумани Чимён қишлоғида жойлашган санаторий-курорт масканлари, оромгоҳлар минтақамизда машҳур. Тумандаги яна бир ҳудуд – аввалдан фаолият олиб бораётган "Еттибулоқ шифо" соғломлаштириш маскани эса шифобахш бўлоқлари билан тилга тушган. Ҳудудда айни пайтда 24 та оилавий меҳмон уйлари ташкил этилиб, қўшимча туристик хизмат турлари фаолияти йўлга қўйилган. Жумладан, овқатланиш, соғломлаштириш,

транспорт, аттракционлар, экскурсия хизматлари ташкил этилган. Фарғона туманининг Водил қишлоғида "Фахрийлар", "Легион" ва "Сейман Баҳор" каби соғломлаштириш марказлари фаолияти йўлга қўйилгани ҳудудга келаятган меҳмонлар сони ортишига сабаб бўлаётди. Бу ерда яна 25 та оилавий меҳмон уйи ва 2 та хостел ҳам сайёҳлар хизматида. Сайёҳларни жалб этадиган яна бир

маскан – бу Учқўприк туманидаги Лаванда сайлидир. Бу ерда лаванда гули ва ифорида тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси, папая, банан, годжи, киви, зайтунзорлардан иборат саломатлик боғи бўйлаб эксаёҳат, мутахассислар кўриги ташкил этилган. Айни пайтда бу боғда 25 гектар майдонда мушмула, қахва, киви каби цитрус мевалардан тортиб резвор ўсимликлар, турли доривор گیёҳлар етиштирилмоқда.

ШАРҚОНА БЕБАҲО БОЙЛИК КОРХОНАНИ ДУНЁГА ТАНИТМОҚДА

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан пойтахтимиздаги Сергели тумани ҳудудида саноат зонаси ташкил қилинганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бу ерда тадбиркорлик фаолиятига кенг ўрин берилгани натижасида турли хилдаги ишлаб чиқариш корхоналари шаклланди.



Бугунги кунда "Сергели саноат зонаси" ёрлиги билан ҳар хил истеъмолбоп ва қурилиш учун зарур бўлган материаллар ишлаб чиқариши йўлга қўйилди. Шу ҳудуднинг бир қисмида яқин вақтга ташландиқ бўлиб ётган гишт заводи бўларди. Ислохотлар бошлангунига қадар хароба ҳолга келиб қолган биноларни кўрганлар кези келиб, шу жойда замонавий корхона қад ростлаши ва бу ерда тайёрланган маҳсулотлар нафақат республикамиз қурилишлари, балки дунёдаги бошқа кўлаб мамлакатлар учун ҳам асқатишни хаёлига келтирмаган бўлса керак.

Аммо энди хаёл сурадиган давр эмас. Давлатимизда ишлашган, деган киши учун барча шароитлар яратилиб, тадбиркорлар қўлаб-қуватланмоқда. Ана шу имкониятлардан самарали фойдаланган "Orient Ceramic" маъсулияти чекланган жамияти аъзолари бир ярим йил давомида

ташландиқ биноларни қайта таъмирлаб, ишлаб чиқариши йўлга қўйишди. Бунинг учун "Ипотека-банк" билан ҳамкорликда лойиҳа қиймати 42 миллион АҚШ доллари бўлган инвестиция киритиб, Хитойдан энергиятежамкор дастгоҳлар олиб келинди. Шунингдек, у ердан соҳани мукамал биладиган мутахассислар ҳам жалб қилинди.

"Orient" – асл маъноси "Шарқона" номи билан иш бошлаган корхона эндиликда 400 нафардан ортиқ ишчи-ҳодимнинг меҳнати билан 30 хилга яқин, яъни, йилига 10 миллион квадрат метр турли ҳажмдаги керамик маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. Ўрни келганда айтиш лозимки, шу пайтгача ушбу маҳсулот катта маблағ ҳисобига Эрон, Ҳиндистон, Хитой каби давлатлардан импорт қилинар эди. Бу эса қурилишларга қимматга тушиш баробарида ишларни жадаллаштириши орқага тортарди. Ҳозирги кунда



маҳаллийлаштиришга кенг эътибор қаратилаётгани натижасида тадбиркорларимизнинг ҳаракати билан зарур турдаги хом ашёларнинг барчаси ўзимиздан олинапти.

Масалан, тупроқ таркибидаги керамика учун зарур бўлган тальк маҳсулоти Қорақалпоғистон Республикасининг Беҳруний туманидан, оҳақтош Жиззах вилоятининг Фориш туманидан, каолин Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридан, кварц эса Қибрай туманидан олиб келинаётгани таннархи бир неча баробарга арзонлаштиришга ҳамда сифат жиҳатидан чет элликдан қолшимаслигига имкон берди. Мажмууд цехларда иш кўлами уч сменада керамик ҳажмдаги керамикани етказиб бериши шароит яратмоқда.

Эътиборли томони шундаки, ҳозирги кунгача Сирдарё, Фарғона, Тошкент сингари шаҳарларда худди шу турдаги маҳ-

сулотларни тайёрлаётган қирққа яқин корхона фаолият кўрсатарди. Уларнинг ҳаммаси фақат республикамиздаги қурилиш ҳамда бошқа ташкилотларгагина маҳсулот етказиб бериш имкониятига эга эди. Мазкур корхонада тайёрланаётган қурилиш материаллари жаҳон стандартларига тула жавоб бергани учун айни пайтда ўзимиздаги қурилиш ташкилотларини таъминлаш билан бир қаторда Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия, Озарбайжон, Грузия, Беларусь, Туркия, Туркменистон каби ўндан ортиқ давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Корхона маъсулларининг айтишича, мамлакатимизда кейинги даврда қурилишоб газобетон, гүлқоғоз ва керамик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг топиригига кўра, корхонага энергия тежамкор юқори технологияларнинг олиб кирилгани иш ҳажмини оши-

риб, сифат жиҳатдан турдош корхоналар орасида энг юқори ўринга чиқиши имкони берган.

Шуни ҳам айтиш керакки, жорий йилнинг 21 июль куни Президентимиз Сергели туманидаги бунёдкорлик ишларини ўрганиш жараёнида мазкур корхонада амалга оширилган ишларни ҳам бориб кўриб, корхона имкониятларини янада кенгайтириш бўйича ўз тавсияларини берганди. Бундан руҳланган жамоа ахли шу кунларда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ҳисобига маҳсулотлар турларини кўпайтириш юзасидан зарур чораларни кўрмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан яқин кунлар оралиғида қўзлаган мақсадга эришилишига шубҳа йўқ. Зеро, ишчи-ҳодимлар соҳани пухта ўзлаштиришган ва уларда шарқона маҳсулотлар турини янада кўпайтириш ҳисобига жаҳон бозорларига тула кириб бориш нияти мужассам.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир хайъати раиси),
Шерзод Хидоятлов,
Давронжон Адиллов,
Жалол Арашов,
Козим Туяганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Ҳўжаева**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
нашриёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЫОДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎзГАСКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-208-12-00 (қабулхона),
71-208-12-00 (таҳририят),
71-208-12-00 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ

ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:
Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 91-479-55-11.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 99-831-11-15.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигидан 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Ушбу тма – Г-837.
1675 нусxada босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 8 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоиси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси маъсул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева.
Навбатчи – М. Ҳайдаров.

ЎЗА якуни –
Тошпирилди – 22.30.

12 3 4 5 6

Олти ойда қанча электр энергияси узатилганини биласизми?

Райҳона ҲЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти томонидан 2023 йилда ҳам белгиланган режага мувофиқ бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, январь-июнь ойларида магистрал электр тармоқлари орқали 35,0 млрд кВт соат электр энергияси узатилиб, режа 101,4 фоизга бажарилди. Ўсиш суръати 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 106,1 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, инвестиция дастури ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сонли қарорига асосан, 2023 йил давомида “Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан умумий лойиҳа қиймати 1 346,36 млн АҚШ долларига тенг бўлган 17 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

Бундан ташқари, ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича белгиланган режага асосан 2023 йилда 152,56 млн АҚШ доллари миқдоридида маблағ ўзлаштириш кўзда тутилган. Жумладан, давлат кафолати остидаги чет эл маблағлари 117,5 млн АҚШ доллари, “Ўзбекистон МЭТ” АЖ ўз маблағлари

35,06 млн АҚШ долларини ташкил қилади. Жорий йилнинг олти ойида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 29,19 млн АҚШ доллари ёки режага нисбатан 119,5 фоиз ўзлаштириш белгиланган эди. Шундан, давлат кафолати остидаги чет эл маблағларидан 15,08 млн АҚШ доллари ёки режага нисбатан 124,32 фоиз, “Ўзбекистон МЭТ” АЖ ўз маблағларидан 14,11 млн АҚШ доллари ёки режага нисбатан 114,72 фоиз миқдорда маблағ ўзлаштирилди. Бу маблағлар ҳисобига тенг ҳажмдаги модернизация-реконструкция ишлари бажарилди.

Сарф-харажатларни қисқартириш бўйича “Ўзбекистон МЭТ” АЖда 2023 йил учун 11,1 млрд сўм миқдори прогноз режа белгиланган эди. Дастлабки тезкор маълумотларга кўра, 2023 йил январь-июнь ойларида прогноз режа ижроси



5,7 млрд сўм миқдориди, яъни 101,1 фоизга бажарилди. Жумладан, технологик ва бошқа йўқотишларни камайитириш ҳисобига 1,7 млрд ҳамда бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига 4,0 млрд сўмлик маблағ икитисод қилинди.

Ушбу йилда АЖда янги иш ўринларини яратиш масаласи ҳам долзарб бўлиб, бу борада тизим корхоналарида 11 та янги иш ўринини яратиш кўзда тутилган эди. Хусусан, январь-июнь ойларида тизим корхоналарида 12 нафар янги иш ўрни яратишга муваффақ бўлинди.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Август ойининг шу кунларида таваллуд
айёмларини нишонлаётган

Қурилишда техник мейёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари **Элёр Камиллов**, қоровул **Юсуф Орифжонов**,

“Ташипрогор” АЖ маънавият ва маърифат масалалари бўйича директор ёрданчиси **Саодат Файзиёва**,

Жиззах вилояти Фориш тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мухассиси **Машура Тошпулатова**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими мутахассиси **Улуғбек Ахунбабаев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси етакчи инспектори **Камал Бекбаев**,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Аҳоли пунктларида шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш бўлими бошлиги **Шохроқ Ойдинов**, Қизилтепа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассиси-архитектору **Бахтигул Холиқова**, Қонимех тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассислари-архитекторлар **Султан Мамбетов** ва **Қанола Қурбонова**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассис **Аюбери Абсамхўжаев**, Тойлоқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиги **Сардор Эралиев**,

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси котиби – иш юритувчи **Шохсанам Ғамбардиева**, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Сирдарё вилояти филиали бош мутахассиси **Ўқтамжон Тўшбаев**, мутахассис **Шухрат Нейматов**,

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси мутахассиси **Дилоромхон Ҳамраева**,

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари – шаҳар бош архитектору **Шавкат Дўсмұхамедов**,

Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги “Бобур коммунал таъмир 777” МЧЖ бош директори **Абдулла Ниёзов**,

Қашқадарё вилояти, Муборак туманидаги “Муборак улкан иншооти” БСК бош директори **Ихтиёр Фармонов**,

Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги “Фаровон Навоий 2022 БК” бош директори **Нафиса Ризаева**,

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳридаги “Олтин АСР” МЧЖ бош директори **Хайринисо Шатанова**,

Сурхондарё вилояти, Музрабод туманидаги “Бино иншоот-хизмати” МЧЖ бош директори **Мавлон Одилов**,

Хоразм вилояти, Қўшқўпир туманидаги “Қўшқўпир порлоқ келажак ПБК” МЧЖ бош директори **Сайёра Худайберганаева**, Урганч туманидаги “Konstruktion global hous stroj” МЧЖ бош директори **Атабек Аллаберганов**,

Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги “Integral House” МЧЖ бош директори **Лилия Рогачеваларни** таваллуд кунин билан чин диддан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚТИЛАЙМИЗ!**

Биз нима учун мажбурий бадал (квартплата) тўлаймиз?

Кимдир яқка тартибдаги уй-жой яъни, ҳовлида яшаса, яна кимдир кўп квартиралли уйларда истиқомат қилади. Икки ҳолатда ҳам уй-жойни асраш керак, акс ҳолда у эскиради, яроқсиз ҳолатга келади ва унда яшаш хавфли бўлиб қолади. Ҳовли жойини сақлаш унинг мулкдори томонидан мустақил равишда амалга оширилади. Чунки одатда унга битта ёки бир нечта бир-бирига қариндош бўлган кимсалар эғалик қилади.

Кўп қаватли уйларчи? Уларни қандай сақлаш керак?
Кўп сонли аҳоли яшайдиган “дом”лардаги умумий мулкни сақлаш бошқарув ташкилотлари, хусусан, БСКлар, уй-жой мулкдорлари ширкати, ўз-ўзини бошқарувчи ташкилотлар маъсулиятидаги вазирадир. Улар аҳолига уй-жой хизматларини тақдим қиладилар. Мазкур хизматлар учун тўлов **мажбурий бадал**, яъни, ҳалқтилада **квартплата** дейилди.

Мажбурий бадал хонадон умумий майдонининг квадрат

метридан келиб чиқади. **1 кв метр** учун тўлов миқдори бошқарув ташкилотлари кўрсатаётган хизматларга кўра белгиланади. Бугунги кунда республика миқёсида 1 кв метр учун мажбурий бадал миқдори ўртача **800 сўмни** ташкил этмоқда.

Унутманг! Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 134-моддасига асосан, кўп квартиралли уй мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлаш харажатлари учун тўловни оянинг ўзинчи кундан кечиктирмай тўлашлари шарт.

Август ойининг иккинчи яқшанбасида мамлакатимизда Қурилиш соҳаси ходимлари кунини нишонлашни муносабати билан газетамизнинг 11 август, жума кунини чиқиши режалаштирилган сони бугун чоп этилмоқда.